

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ**

**УДК:334.722.  
ББК (65.9 (5Ў))**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**Зупаров Комилжон Баҳтиёрович**

**“Тижорат банклари томонидан кичик бизнесни  
молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишлари”**

**Мутахассислик: 5А 340111 – «Иқтисодиёт (реал сектор)»  
ихтисослиги бўйича**

**Магистрлик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар-иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор Абулқосимов Ҳасан Пирназарович**

**ТОШКЕНТ – 2017**

## Мундарижа

Кириш	3-8
1-боб. Ўзбекистон банк тизими ва унинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашдаги ўрни	-8
1.1. Банк тизимининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги роли.	8-19
1.2. Қишлоқ хўжалиги кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлаш хусусиятлари.	19-26
1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашда моддий таъминот масалалари.	26-36
2-боб. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш тенденциялари ва муаммолари	-36
2.1. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаш-қувватлаш йўналишлари	36-44
2.2. Ўзбекистон банк тизимида “Микрокредитбанк” ОАТБнинг ўрни ва вазифалари.	44-49
2.3. “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тенденциялари.	49-55
3-боб. Тижорат банклари ва “Микрокредитбанк” ОАТБ фаолиятини янада такомиллаштириш йўллари.	-56
3.1. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш йўллари.	56-62
3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш	62-68
3.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашда моддий таъминотни яхшилаш йўллари.	68-74
Хулоса.	75-78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	78-81

## Кириш

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган мамлакатни ва иқтисодий-технологик модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳозлаш, ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан мамлакатимиз банк тизимининг самарали ишлашига боғлиқдир. Республикамиз тижорат банклари томонидан депозит ва кредит жараёнларининг самарали амалга оширилиши мамлакат ва унинг ҳудудларида ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсишига эришишга, инвестицияларни кенг жалб этилишига, иқтисодий субъектлари фаоллигига ижобий таъсир этиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга бевосита кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида қилган маърузасида “... тегишли тузилма ва ҳокимликларнинг жиддий ва кундалик эътиборини талаб қиладиган яна бир муҳим йўналиш бор. Бу- хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг таъсирчан ҳимоясини таъминлашдир”<sup>1</sup>, -деб таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ажратилган кредитлар миқдорини ошириб бориш, республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондириши керак: Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза.//Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

тадбиркорлик субъектларига инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун имтиёзли банк кредитлари ажратиш кўзда тутилмоқда<sup>1</sup>. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашда тижорат банкларининг, шу жумладан, “Микрокредитбанк” ОАТБ нинг ўрни ва роли йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунига асосан тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга кредитлар қайтаришлилик, фоизлилик, муддатлилик, таъминланганлик ва мақсадлилик тамойиллари асосида ажратилади. Шунга қарамадан, айрим ҳолларда етарлича ёки умуман гаров таъминотига эга бўлмаган лойиҳаларнинг дастурларга киритилиши каби ҳолатлар ҳам юз бермоқда. Шунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда банк кредитини янада ошириш ва унинг моддий таъминганлигини яхшилаш масалаларини “Иқтисодиёт назарияси” фанининг тегишли мавзуларида талабаларга ўргатиш долзарб ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Банклар фаолияти, улар томонидан бизнес ва тадбиркорликни кредитлаш, банк кредитининг моддий таъминотини яхшилаш каби муаммолари хорижлик олимлар П.Самульсон, Кембелл Р. Макконнелл, Стенли Л. Брю ва Г.В.Базарова, Л.И.Красавина, О.И.Лаврушин, Г.С.Панова, В.Т.Сервук, В.М.Усоскин, З.Г.Ширинская кабиларнинг илмий ишлар ва ўқув қўлланмаларида ёритилган. Ўзбекистон иқтисодчи олимларидан Абдуллаева Ш.З., Ваҳабов А.В., Ғозибеков Д.Ғ., Олимжонов О.О., Қодиров А.Қ., Қоралиев Т.М., Нурмуродов М.Б. ва бошқаларнинг илмий ишларида республикамиз банк тизимини такомиллаштириш, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари тадқиқ қилинган. Аммо кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни яхшилаш масалалари “Асакабанк” ОАТБ ва айниқса, унинг Тошкент шаҳри

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

филиали Сергели туман бўлими мисолида етарли даражада ўрганилмаган. Бу эса мазкур мавзуни танлашга асос бўлди.

**Ишнинг мақсади.** Ўзбекистон тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш жараёнларини ҳамда унинг моддий таъминотини яхшилаш йўллари бўйича тегишли илмий-назарий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Ишнинг вазифалари** унинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

-банк ва банк фаолияти, кредит бериш тамойилларининг мазмунини ҳамда кредитнинг моддий таъминотининг аҳамиятини очиб бериш;

-Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши босқичларини ҳамда унинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ролини кўрсатиб бериш;

-тижорат банклари, хусусан “Микрокредитбанк” ОАТБнинг мақсади ва вазифаларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашдаги ўрнини ҳамда ролини таҳлил қилиш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ва унинг моддий таъминоти тенденцияларини таҳлил қилиш ва муаммоларини аниқлаш;

- “Микрокредитбанк” ОАТБнинг кредитлаш жараёнларини ва унинг моддий таъминотини янада яхшилаш йўллари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Ишнинг предмети** тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини кредитлаш жараёнлари ва унинг моддий таъминотини шакллантириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Ишнинг объекти** сифатида Ўзбекистон тижорат банкларининг, жумладан, “Микрокредитбанк” ОАТБнинг кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик субъектлари, жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш фаолияти ўрганилган.

**Тадқиқот методлари** сифатида илмий абстракция, анализ ва синтез, қиёсий ва статистик таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик каби услублардан фойдаланилди.

**Илмий янгилигининг** бакалаврият йўналиши бўйича битирув-малакавий иш даражасидаги элементлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- тижорат банки кредитининг мазмуни, кредитлаш жараёнлари ва унинг моддий таъминоти масалалари “Микрокредитбанк” ОАТБ фаолиятига тадбиқан илк бор ўрганилган;

- республика тижорат банклари, шу жумладан, “Микрокредитбанк” ОАТБ фаолиятига оид таҳлилий материаллар илмий муомалага киритилди;

- тижорат банклари, шу жумладан, “Микрокредитбанк” ОАТБ фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда кредитлаш жараёнининг моддий таъминотини янада яхшилаш йўллари бўйича муаллифлик ёндашуви доирасида илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг **илмий-назарий аҳамияти** шундан иборатки, унинг материалларидан, унда ишлаб чиқилган хулоса ва таклиф, тавсиялардан келгусида бажариладиган мазкур мавзуга яқин мавзулардаги битирув-малакавий ишлар, магистрлик диссертациялари учун назарий ва маълумотлар базаси сифатида фойдаланиши мумкин.

**Ишнинг амалий аҳамияти** унда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан тижорат банклари, шу жумладан, “Микрокредитбанк” ОАТБ фаолиятида, шу жумладан, кредитлаш жараёнларининг моддий таъминотини таъминлашда, муаллифнинг келгусидаги иш фаолиятида фойдаланиш мумкинлигида ифодаланади.

**Ишнинг апробацияси ва натижаларнинг эълон қилиниши.** Магистрлик диссертацияси натижалари ЎзМУ Иқтисодиёт факультетида бўлиб ўтган 2 та республика ва олий ўқув юртлариаро илмий-амалий

анжуманларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда маъруза тезислари анжуман материаллари тўпламида нашр қилинган.

**Ишнинг тузилиши.** Магистрлик диссертацияси кириш, 3боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

1-бобда банк кредити ва унинг моддий таъминоти жиҳатлари ҳамда иқтисодий ривожлантиришдаги роли, Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва унда “Микрокредитбанк” ОАТБ нинг ўрни ҳамда вазифалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш хусусиятлари баён қилинган.

2-бобда Тижорат банклари, шу жумладан, “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектларини кредитлаш тенденциялари ва унинг моддий таъминоти хусусиятлари ва муаммолари таҳлил қилинган.

3-бобда тижорат банклари, шу жумладан, ”Микрокредитбанк” ОАТБ фаолиятини янада такомиллаштириш ва моддий таъминотини яхшилаш йўллари ўрганилиб, бу борада тегишли хулоса, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

# **1-БОБ.ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ ВА УНИНГ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШДАГИ ЎРНИ**

## **1.1. Ўзбекистонда банк тизимининг ривожланиши босқичлари**

Товар ва пул муносабатларининг ривожланиши асосида банклар пайдо бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида унинг муҳим унсурига айланган. Иқтисодий адабиётларда банк тушунчасига пул маблағларини йиғувчи, сақлаб берувчи, кредит-ҳисоб ва бошқа ҳар-хил воситачилик операцияларини бажарувчи муассасалар деб таърифланади<sup>1</sup>. Банк пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий муассасадир. Банклар фаолиятининг асосий томонларидан бири кредит муносабатларига хизмат қилиш бўлиб, улар кредит муассасаларининг асосини ташкил қилади<sup>2</sup>. Банк сўзи италянча “banca” сўзидан олинган бўлиб “стол”, аниқроғи “пуллик стол” деган маънони англатади. Ўрта асрларда италиялик пулдорлар ҳамёнларидаги, идишлардаги тангаларни стол устига қўйиб ҳисоб-китоб қилганлар.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши билан банклар кредит муассасаларига айланганлар. Банклар тизими, одатда, икки хил бўлиб, ўз ичига марказий (эмиссион) банк ва тижорат (депозитли) банкларининг тармоқ шаҳобчаларини олади. Бозор иқтисодиёти шароитида икки поғонали кредит банк тизими кўп мамлакатлар иқтисодиётининг асоси ҳисобланади. Бу марказий банк, тижорат банклари ва нобанк кредит муассасаларидир.

Марказий банк-кредит тизимининг бош банки бўлиб, мамлакатда пул-кредит сиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб боради. Марказий банк давлат банки бўлиб, мамлакат пул-кредит тизимини марказлашган тартибда

---

<sup>1</sup>Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар.-Т.:Молия,2000,169-бет.

<sup>2</sup>Иқтисодиёт асослари ва Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ислохотлар./Муаллифлар: Ҳ.П.Абулқосимов ва бошқалар.-Т.:Akademiya, 2011.185-бет.



бошқаради ва давлатнинг ягона пул-кредит сиёсатини амалга оширади. Марказий банк тижорат банклари ва жамғарма муассасаларидан маблағларни қабул қилиб, уларга кредит беради. Шу сабабга кўра, Марказий банк банклар банки деб ҳам аталади<sup>1</sup>.

Тижорат банклари банк тизимининг муҳим бўғини бўлиб, кредит ресурсларининг асосий қисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар ҳуқуқий, жисмоний шахсларга хизматларини кўрсатади. Тижорат банкларининг қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

-вақтинча бўш пул маблағларини йиғиш ва уларни капиталга айлантириш;

-корхона, ташкилотлар, давлат ва аҳолини кредитлаш;

-муомалага кредит пулларни чиқариш;

-иқтисодиётда ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш;

-молия-валюта бозорида фаолият кўрсатиш;

-иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва консултация-маслаҳат хизматларини кўрсатиш.

Тижорат банклари қуйидаги операцияларни бажаради:

-пассив операциялар;

-актив операциялар;

-банк хизматлари ва воситачилик операциялари;

-банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган операциялар ва бошқалар.

Банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операциялар пассив операциялар дейилади. Бу қимматбаҳо қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан ресурслар йиғиш, фойда ҳисобидан ҳар хил фондлар ташкил қилиш ёки фондлар суммасини ошириш, бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш, депозит операцияларини амалга ошириш орқали содир бўлади. Даромад олиш мақсадида банк ресурсларини жойлаштириш

---

<sup>1</sup>Иқтисодиёт асослари ва Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ислохотлар./Муаллифлар: Ҳ.П.Абулқосимов ва бошқалар.-Т.:Akademiya, 2011.-185-бет.

билан боғлиқ операциялар банкнинг актив операциялари дейилади. Тижорат банкларининг актив операциялари ичида кредитлаш асосий ўринни эгаллайди. Кредит бериш қуйидаги **таъминларга** асосланади:

- ссуда беришнинг мақсадли тавсифи;
- кредитнинг расмийлаштирилган муддатда қайтарилиши;
- ссуданинг моддий таъминланганлиги;
- тўловлиги.

Тижорат банкларининг кредит портфелини берилган ссудаларнинг таъминланганлик даражасига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- биринчи даражада таъминланган, яъни тўлиқ таъминланган;
- бошқа таъминотга эга бўлган;
- тўлиқ таъминланмаган;
- таъминланмаган.

Биринчи даражада таъминланган кредитларга Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолати, Марказий банк кафолати, Марказий банк розилиги билан биринчи синф хорижий банклари кафолати, эркин айирбошланадиган валютадаги гаров, Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозлари кўринишидаги гаров, стандартлаштирилган қимматбаҳо металллар кўйилмалари кўринишидаги гаров билан таъминланган кредитлар киради. Бошқа таъминотга эга бўлган ссудалар гуруҳига қуйидагилар билан таъминланган кредитлар киради:

- мол-мулк гарови;
- қимматлиқоғозлар кўринишидаги гаров;
- бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг кафолат хати ва бошқалар киради<sup>1</sup>.

Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини муваффақиятли олиб бориши улар томонидан берилган кредитларнинг моддий таъминланганлик даражасига боғлиқдир. Кредитларнинг моддий

---

<sup>1</sup>Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар. -Т.:Молия,2000,222-223 -бетлар.

таъминланган даражаси қанчалик юқори бўлса, берилган кредитлар яхши деб баҳоланади, шубҳали ваишончсиз кредитлар салмоғи шунчалик паст даражада бўлади.

Тижорат банклари ўзларининг хўжалик мавқеига кўра, акциядорлик ва хусусий муассасалар ҳисобланади. Фаолиятнинг бирон-бир турига хизмат ноат қурилиш банки-саноат, транспорт, қурилиш ва кўрсатувчи, ихтисослашган ёки миллий банк бўлиши мумкин. Ихтисослашган тижорат банклари –иқтисодиётнинг турли соҳаларида тижорат тамойилларида кредит-пул операцияларининг муайян турларини амалга оширади. Жумладан, республикада Саноат қурилиш банки-саноат, транспорт, қурилиш соҳаларида; Агробанк- агросаноат мажмуи тармоқлари ва соҳаларида; “Микрокредитбанк”-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида пул-кредит операцияларини амалга оширади.

Ўзбекистон 1991йилгача ўзининг мустақил банк тизимига ва мустақил пул-кредит сиёсати юритиш имкониятига эга эмас эди. Пул-кредит сиёсатини собиқ Иттифоқ давлат банки амалга оширар эди. Бу сиёсат тўлиқ марказлашган ва ёпиқ характерга эга эди. Пул эмиссияси ягона марказдан амалга оширилар ва сўнгра олдиндан белгилаб кўйилган лимитлар асосида республикаларга тарқатилар эди. Ўзбекистон ҳали собиқ Иттифоқ таркибида бўлган давридаёқ, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов республикада мустақил банк тизимининг тамал тоши кўйилишига раҳнамолик қилди. 1990йилда Ўзбекистонда саноат, сув хўжалиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қурилиш корхоналарини молиялаш, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, юқори рентабелли ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида пайчилик асосида “Турон” бирлаштирув тижорат банки ташкил этилди. Шунингдек, “Ипак йўли банки” ва “Андижонбанк”нинг вориси - “Ҳамкорбанк” ҳам 1990йилда фаолият юрита бошлаган эди. 1991йилнинг 15 феввалида Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Президент И.А.Каримов “Банклар ва

банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши мустақил ва эркин банк тизимининг қарор топишига ёрдам берди”<sup>1</sup> - деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мустақил банк тизimini шакллантириш бошланди. 1992йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунга киритилган қўшимча ва ўзгаришларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига айлантирилди ва унга давлат банки, эмиссион банк ва захира банки маъқеи берилди. Шу билан Ўзбекистонда Марказий банк ва тижорат банкларидан иборат икки поғонали банк тизими ташкил топди<sup>2</sup>.

1994 йилда миллий валютанинг муомаласага киритилиши банк тизими ривожланишининг биринчи босқичини яқунлади ва иккинчи босқичини бошлаб берди. Бу даврда банк тизимининг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланиб, банк қонунчилиги такомиллаштирилди. 1995йили “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуни ва 1996 йили Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши замонавий банк тизimini ташкил этилишини, тижорат банкларини халқаро молия бозорларига чиқишини, аҳоли, корхоналар ва хорижий сармоядорларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашини, барқарор иқтисодий ўсишни ҳамда аҳоли фаровонлигини оширилишини таъминлашга қаратилган истиқболларни белгилаб берди. Бу босқичда амалга оширилган чоратadbирлар, қатъий монетар сиёсат натижасида инфляция даражаси 1994 йилдаги йиллик 1132 фоиздан 1999 йилга келиб йиллик 26 фоизгача ёки 43,5 маротабагача камайтирилишига эришилди<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.:Ўзбекистон, 1995. 80-бет.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси банк тизими /Ф.М.Муллажоновнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри.-Т.: “Ўзбекистон”,2011.-25-бет.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси банк тизими/Ф.М.Муллажоновнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри.-Т.: “Ўзбекистон”,2011.-45 -бет.

2000 йилдан бошлаб банк тизимини ривожлантиришда ислохотларнинг учинчи босқичи бошланди. Ушбу босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартда қабул қилган “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-2564-сонли Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг ижросини таъминлаш учун Вазирлар маҳкамсининг 2000 йил 24 мартдаги “Банк тизимини ислох қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 104-сонли қарори билан “2000-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислох қилиш дастури” тасдиқланди. Дастурда банкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар белгиланди. Тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини ва капиталлашуви даражасини ошириш чоралари ҳам белгиланган. 2000 йилнинг ўзида тижорат банклари томонидан банк операцияларини амалга ошириш тартибларини белгилайдиган 100 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар ва кўрсатмалар бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартда қабул қилган “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-2564-сонли Фармонига мувофиқ тижорат банкларида улар фойдасининг 25 фоизига қадар миқдорини ажратиш йўли билан ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарини. Дехқон ва фермер хўжалиklarини, юқори технологик ва инвестиция лойиҳаларини имтиёзли кредит билан таъминлаш мақсадида Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ташкил этилди. Ушбу босқичда банкларнинг капиталлашувининг юқори даражага эришиши, уларнинг инвестициялаш жараёнларидаги, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш даги ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдаги иштирокини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк

айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-726-сонли қарорига билан “2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури” тасдиқланди. Қарорда 2008 йил 1 январдан бошлаб, янги ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдори тижорат банклари учун- сўм эквивалентида 5 миллион Евро, хусусий банклар учун – сўм эквивалентида 2,5 миллион Евро миқдорида белгиланган эди. Ушбу талаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317 – сонли қарорига мувофиқ мос равишда 10 миллион Евро ва 5 миллион Евро миқдорида белгиланди.

2016 йилда жаҳондаги кўплаб мамлакатлар банк тизимларида турли ташқи ва ички салбий омиллар натижасида кредит ва валюта рисклари ошиб, кредит ташкилотлари молиявий ҳолатининг ёмонлашишига, жумладан, уларнинг кредит портфелида муаммоли сифатида таснифланган кредитлар ҳажмининг ошишига олиб келган бир вақтда, республикамизда бундай салбий ҳолатларнинг олди олиниб, банк тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши таъминланди.

Бунга самарали пул-кредит сиёсати ва таъсирчан банк назорати амалга оширилиши, чет эл капитални жалб қилишда эҳтиёткорона сиёсатнинг юритилиши, миллий валюта барқарорлигининг таъминланиши, банклар ресурс базасини шакллантиришда асосан ички манбаларга таяниш, кредит амалиётларини ўтказишдаги тамойиллар ва қоидаларга қатъий риоя қилиш ҳамда рискларни бошқаришнинг замонавий усулларини қўллаш орқали эришилди.

2016 йилда банк тизимида амалга оширилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросига қаратилди.

Бунда банк тизимидаги ислохотлар қўйидаги йўналишларда олиб борилди:

– тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг қўламда жалб этиш асосида уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш;

– ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашдаги банкларнинг иштирокини янада кенгайтириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш ҳамда мамлакатда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш ва пировардида янги иш ўринлари яратиш қўламларини ошириш жараёнларида фаол иштирок этиш;

– банк тизимида хорижий сармояларни жалб этиш ва шу орқали замонавий илғор корпоратив бошқарув амалиётларини кенг татбиқ этиш имкониятларини ошириш мақсадида тижорат банклари устав капиталидаги 15 фоиз улушини хорижий инвесторларга сотиш;

– тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро андоза ҳамда меъёрлар, шу жумладан, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсиялари асосида янада такомиллаштириш;

– иқтисодиётда тўлов тизимини, хусусан, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва бунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш;

– кўрсатилаётган банк хизматлари турларини янада кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, хусусан, банк инфратузилмасини, айниқса, қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб хизмат кўрсатиш қўламини янада кенгайтириш;

– тижорат банклари ва банк-молия соҳаси фаолиятини баҳолаш тизимини халқаро амалиётда қўлланиладиган меъёрлар, мезонлар ҳамда андозаларни жорий этиш ҳисобига янада такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш устувор вазифалар сифатида белгиланди ва тўлиқ ижро этилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда банк тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида 2017 йил 1 январь ҳолатига 27 та тижорат банклари фаолият кўрсатмоқда. Улардан 3 таси давлат, 11 таси акциядорлик-тижорат, 8 таси хусусий ва 5 таси хорижий капитал иштирокидаги банклар бўлиб, улар 6,2 мингга яқин филиалга, мини банк ва чакана офисларига эга ( 1.1.1-жадвал).

1.1.1-жадвал.

Банк муассасаларининг ривожланиш кўрсаткичлари<sup>2</sup>  
(йил охирида)

Кўрсаткичлар	1990й	1995й	2000й	2010й	2016й
Тижорат банклари сони	16	32	35	31	27
Тижорат банклари муассасалари сони	2389	3171	4234	7781	6197

Мамлакатимиз ҳудудларида кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини ошириш ҳамда хусусий капитални банк тизимига жалб этишни янада кенгайтириш мақсадида 2016 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг53-моддасига мувофиқ, Фарғона шаҳридаги «Мадад Инвест Банк» хусусий акциядорлик тижорат банкига банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди.

Бугунги кунда республика ҳудудларида тижорат банкларининг 855 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, банк муассасаларини аҳоли зич

<sup>1</sup> Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990 – 2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011 – 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.:” Ўзбекистон”, 2011.-30-бет; Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2014год.-Т.,2015. Стр.23; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси . маълумотлари асосида тузилди.



жойлашган манзиллар ҳамда ишлаб чиқариш ҳудудларига яқинлаштириш, коммунал ва бошқа тўловларни тўлашлари учун янада қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банкларининг 4 299 та мини-банки ва махсус кассалари ташкил этилган бўлиб, шуларнинг 2 221 таси қишлоқ жойларидаги аҳолига, айниқса, фермер хўжаликларига сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, бозорлар ҳудудида нақд пул тушумларини, бозор хизматлари ҳамда бошқа тўловларни қабул қилувчи 537 та махсус кассалар, шунингдек, аҳолидан коммунал ва бошқа мажбурий тўловларни бевосита аҳоли яшаш жойларига бориб қабул қилувчи 506 та ихтисослаштирилган кўчма кассалар фаолият юритмоқда<sup>1</sup>.

Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг устувор соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва реал сектордаги инвестицион фаолликнинг ошишини янада рағбатлантиришга қаратилган сиёсатнинг давом эттирилиши натижасида тижорат банкларининг жами кредит портфели 2015 йилга нисбатан 25,1 фоизга ошди ва пул массаси ўсишига таъсири 70 фоизни ташкил этди. Мамлакат тўлов балансининг ижобий сальдо билан ижро этилганлиги ҳисобига банк тизими соф ташқи активларининг кўпайиши пул массасининг 30 фоизга ўсишига олиб келди<sup>2</sup>.

Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, 2015 йил 1 январдан 9 фоизга камайтирилиши тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди. Бу қуйидаги сифат ўзгаришларига олиб келади:

- тижорат банклари кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар сони ва кредитлар ҳажмининг кўпайиши ҳамда фоиз ставкасининг пасайтирилиши орқали уларнинг рентабеллиги ошиб, мамлакатимизда

---

<sup>1</sup> Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари/ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботи .

<sup>2</sup> Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботи

хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестициявий фаоллигининг ошиши таъминланади;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг янги ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш бўйича лойиҳа харажатлари камаяди.

Сўнгги йиллар давомида “Мудис”, “Стандарт энд Пурс” ва “Фитч рейтингс” каби етакчи рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини “барқарор” деб баҳоламоқда. Агар 2011 йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлган. 2016 йилда «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан «Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари» янги ҳисоботи нашр қилиниб, унга мувофиқ кетма-кет еттинчи йил Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари «барқарор» даражада тасдиқланди. Шунингдек, ушбу ижобий баҳо «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч Рейтингс» рейтинг агентликлари томонидан ҳам доимий равишда эътироф этиб келинмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари қўламини янада кенгайтириш, миқдорлар ишончи ва халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, хорижий кредит линияларини жалб этиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг юқори рейтинг баҳосига эга бўлди.

Банк тизимининг ликвидлиги 65% дан зиёд бўлиб, бу жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган, “юқори” деб аталадиган кўрсаткичдан 2,2 баробар ортиқдир. Кредит портфели жами маблағларининг 80 фоизга яқини ички манбалар улушига тўғри келмоқда. Айниқса, банк хизматларидан фойдаланиш даражаси ҳам ўсиб бормоқда. Муҳим кўрсаткичлардан бири банк хизматларининг оммабоплик даражаси – ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 2016 йилда 49,8 тани ташкил этган бўлса, ҳар 1000 та катта ёшли аҳолига тўғри келадиган банк

хисобварақлари сони 1 138 бирликни (1000 тадан кўп «юқори» хисобланади) ташкил этди<sup>1</sup>.

## **1.2. Кичик бизнесни банклар томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган барча тижорат банклари ўз йўналишларидан қатъий назар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлашга яқиндан ҳисса қўшиб келмоқдалар. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки босқичидаёқ Халқ банки аҳоли билан муомалаларни, яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ва тадбиркорликка кредит бериш бўйича энг йирик банклардан бирига айланди.

Айтиш лозимки, 2000 йил 1 февраль куни бўлиб ўтган “Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш” йиғилишида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳанинг ривожланишини рағбатлантириш борасида мустақилликнинг дастлабки 10 йиллигида қатор ишлар амалга оширилган бўлсада, 2000 йилга келиб бу борада ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги, бор имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги, банкларнинг мазкур соҳага молиявий кўмак бериш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Мазкур йиғилишда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда 2000 йил 29 февралда “Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валюталарда микрокредитлаш” тартиби ва “Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлариغا, ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амалга ошираётган кичик бизнеснинг бошқа субъектларига миллий ва хорижий валюталарда микрокредитлар бериш” тартиби амда бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига кредитлар ажратиш тартиби бир мунча

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

соддалаштирилди, кредитлар ажратишда талаб этиладиган ҳужжатлар сон жихатдан қисқартилди, кредит буюртмаларини қисқа муддатда кўриб чиқиш қатъий белгилаб қўйилди.

Тижорат банкларида микрокредитлаш механизмлари амалиётга энди жорий этилган бир вақтда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги “Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 75-сонли қарори асосида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва унинг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш, уни иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигининг муҳим омилига айлантириш, шунингдек, Тошкент вилояти мисолида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг янги шакллари синаб кўриш борасида кенг камровли ишлар амалга оширилди.

Кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ажратиш механизмларининг такомиллаштирилиши ва соддалаштирилиши билан бир қаторда, ушбу соҳа вакилларининг йирик кредитлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар ҳам такомиллаштирилди. Хусусан, 2000 йил 7 мартда қабул қилинган ”Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек, кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш” тартибига асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятларини кенгайтириш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларидан кредитлар олиш имконияти яратилди. Инвестиция мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича банкларга кредитлашнинг имтиёзли даврини белгилаш ҳуқуқи берилди.

Таъкидлаш жоизки, 1999 йилнинг май ойидан Марказий банкнинг Иқтисодий таҳлил департаменти таркибида фаолият олиб борган “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича банк тизимидаги ишларнинг мониторинги ва таҳлили” бошқармаси базасида 2000 йил ноябрь ойида Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни ҳамда хорижий кредит

линиялари ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш департаменти ташкил этилди. Шунингдек, мазкур департаментнинг Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларида бўлимлари ташкил этилиб, улар малакали мутахассислар билан бутланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-2564-сонли Фармони банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига айлантириш, деҳқон ва фермер хўжалиklarини ҳамда кичик бизнес субъектларини кредитлашни кеншгайтиришда алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур фармонга мувофиқ тижорат банкларида улар фойдасининг 25 фоизига қадар миқдорини ажратиш йўли билан ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарини, деҳқон ва фермер хўжалиklarини, юқори технологик ва инновация лойиҳалдарини имтиёзли маблағ билан таъминлаш мақсадида Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ташкил этилди.

Тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳажмини ошириш борасидаги фаолиятини рағбатлантириш мақсадида банкларнинг жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар беришдан оладиган даромадлари ана шу маблағлар мазкур Жамғарманинг ресурсларини кўпайтиришга мақсадли йўналтирилган тақдирда 5 йил муддатга даромад солиғидан озод қилинди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг қайта молиялаш бўйича кредит берилган кундаги белгиланган ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланди.

Мамлакатимизда Президент томонидан 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан, мазкур соҳа субъектларининг имтиёзли кредитлардан фойдаланиш

имкониятларини янада кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда банкларда ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ҳажмини ошириш борасида тегишли чоралар кўрилди. Хусусан, микромолиялаш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1501-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 79-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан олинадиган тижорат банкларининг даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан юридик шахслар фойдасидан тўланадиган солиқдан 2011 йил 1 апрелдан бошлаб 2016 йилнинг 1 январигача озод этилди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиша бошланғич сармойани шакллантириш учун тижорат банклари томонидан кредит бериш амлга оширилмоқда. Бошланғич сармойани шакллантириш учун кредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми миқдорида имтиёзли фоиз ставкаси бўйича 3 йилгача бўлган муддатга узайтириш ҳуқуқсиз микрофирмалар ва деҳқон (юридик шахс мақомига эга бўлган) хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баравари миқдоригача ҳамда кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдоригача, фоизлар тўлашни 12 ойга кечиктириш ҳамда асосий қарзни кредит олингандан кейин 18-24 ой ўтгач қайтаришни бошлаш шартларида берилиши кўзда тутилган.

Тижорат банклари оилавий тадбиркорлик ва маҳаллий ҳунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлашда муҳим ўринни эгаллайди.

2002 йилда Марказий банк томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда “Тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларига бандликка кўмаклашиш жамғармаси кредитлари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида” Низомнинг ишлаб чиқилганлиги, оилавий тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, иссиқхоналар қуриш, чорва моллари сотиб олиш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, хунармандчилик фаолияти ҳамда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ва бошқа мақсадлар учун имтиёзли асосда энг кам иш ҳақининг 150 баравари миқдиригача микрокредитлар олиш имконини яратди.

Оила бюджетлари даромадларини кўпайтиришнинг, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этишнинг ва халқ хунармандчилигининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолишнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчиликни янада ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ВҚазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги “Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 216-сонли қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ “Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни қабул қилингач, соҳа субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлашга доир ҳужжатлар ҳам тўлиқ қайта кўриб чиқилиб, уларнинг кредитлардан фойдаланиш имкониятларидан янада кенгайтирилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда банк фаолиятининг қонунчилик ва меъёрий асосларини такомиллаштириш, тизимда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилган қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди;

- кичик бизнес субъектларининг кредит аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк кунидан ошмайдиган муддат билан чекланди;

- банк ҳисобварақларини очишда имзо наъмуналарини нотариал тасдиқлаш, шунингдек, кичик бизнес субъектлари бўлган микрофирмаларнинг имзо наъмуналари карточкасида иккинчи имзо (ҳисобчи) бўлиши талаби бекор қилинди;

- кичик тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларидан давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банк хизмати учун тўлов ундириш бекор қилинди;

- қарз олувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси валюта биржасига конвертация учун йўналтирилган кредит маблағлари бўйича фоизларни ҳисоблаш сотиб олинган хорижий валюта қарз олувчининг махсус валюта ҳисоб рақамига ўтказилган кундан бошлаб амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор қулайликларни кўзда тутувчи янги меъёрлар жорий қилинди. 2015 йилда қуйидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор қулайликларни кўзда тутувчи янги меъёрлар жорий қилинди:

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли Фармонида 2015-2019 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар кўламини 2,5 бараварга ошириш вазифаси қўйилди;

- 2015 йил 6 майдаги ПҚ–2344–сонли қарорига асосан: а) имтиёзли кредитлаш махсус Жамғармасининг ресурслари ҳисобидан берилган кредитлар орқали тижорат банклари оладиган даромадлари, бўшаётган маблағларни мазкур Жамғарма ресурсларини ошириш учун мақсадли йўналтириш шарти билан, фойда солиғини тўлашдан 5 йил муддатга озод



этилди; б) тижорат банкларига кредит портфели таркибидаги узоқ муддатли инвестициявий молиялаштириш улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғини тўлаш юзасидан берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

2016 йилда банк тизимида амалга оширилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Илом Каримовнинг мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросига қаратилди. Бунда банк тизимидаги ислохотлар қуйидаги йўналишларда олиб борилди:

- тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг қўламда жалб этиш асосида уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш;

- ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашдаги банкларнинг иштирокини янада кенгайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш ҳамда мамлакатда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш ва пировардида янги иш ўринлари яратиш қўламларини ошириш жараёнларида фаол иштирок этиш;

- банк тизимида хорижий сармояларни жалб этиш ва шу орқали замонавий илғор корпоратив бошқарув амалиётларини кенг татбиқ этиш имкониятларини ошириш мақсадида тижорат банклари устав капиталидаги 15 фоиз улушини хорижий инвесторларга сотиш;

- тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро андоза ҳамда меъёрлар, шу жумладан, банк назорати

бўйича Базель кўмитасининг янги тавсиялари асосида янада такомиллаштириш;

- иқтисодиётда тўлов тизимини, хусусан, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва бунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш;

- кўрсатилаётган банк хизматлари турларини янада кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, хусусан, банк инфратузилмасини, айниқса, қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш;

- тижорат банклари ва банк-молия соҳаси фаолиятини баҳолаш тизимини халқаро амалиётда қўлланиладиган меъёрлар, мезонлар ҳамда андозаларни жорий этиш ҳисобига янада такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш устувор вазифалар сифатида белгиланди ва тўлиқ ижро этилди.

### **1.3. Қишлоқ хўжалиги кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлаш хусусиятлари.**

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги субъектлари ичида фермер ва деҳқон хўжаликлари муҳим ўрин тутди, шу боисдан уларни қўллаб-қувватлашга, уларин молиявий ресурслар билан таъминлашга, кредитлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада ҳукумат томонидан тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ҳамда чора-тадбирлар амалга оширилган. Аввалом бор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги “Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 366-сонли қарорига<sup>1</sup> асосан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш

---

<sup>1</sup>Мазкур қарорга ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 февралдаги 112-сон, 2004 йил 17 январдаги 28-сон, 2004 йил 12 мартдаги 121-сон ва 2005 йил 11 февралдаги 59-сон қарорларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

учун кредитлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин 6 ойдан кўп бўлмаган даврда кредит олиш учун тегишли буюртмалар берган фермер хўжаликларига берилмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ, дастлабки (бошланғич) сармойни шакллантириш учун кредит имтиёзли бўлиб, йиллик устама фоизи Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг олтидан бир қисми миқдорида белгиланган. Дастлабки (бошланғич) сармойни шакллантириш учун кредит имтиёзли фоиз ставкаси бўйича 3 йилгача бўлган муддатга узайтириш ҳуқуқисиз юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баровари миқдоригача, фермер хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 300 баровари миқдоригача ҳамда фоизлар тўлашни 12 ойга кечиктириш ва асосий қарзни кредит олингандан кейин 18-24 ой ўтгач қайтаришни бошлаш шартларида берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000йил 19 майдаги “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 195-сонли қарори<sup>1</sup> билан “Микрокредитбанк” АТБда унинг соф фойдасидан шаклланган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳам имтиёзли кредит берилмоқда. Имтиёзли кредит бериш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар бериш муддатлари кредит берилаётган тадбирнинг ўзини қоплашига боғлиқ бўлади, жумладан:

хом ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда ишлаб чиқариш захиралари харид қилиш учун зарур бўлган айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар кичик тадбиркорлик субъектларига 1 йил муддатгача берилади;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар фермер хўжаликларига, шунингдек, юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликларига камида 2 йил муддатга берилади;

---

<sup>1</sup>Мазкур қарорга ЎзР ВМ нинг 2004 йил 17 январдаги 28-сон, 2004 йил 26 февралдаги 89-сон, 2005 йил 6 октябрдаги 222-сон, 2006 йил 31 октябрдаги 225-сон, 2009 йил 17 июндаги 168-сон ва 2011 йил 19 мартдаги 79-сон қарорларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш учун кредитлар юридик шахс бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларига тўлов муддатини 5 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Микрокредитбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 1548, 2006 йил 21 февраль)га асосан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгарган тақдирда бюджетдан ташқари жамғармалар, шу жумладан, Микрокредитбанкнинг кредит линияси учун ҳисобланадиган фоиз миқдори ҳамда кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитлар ва лизинг хизмати учун ҳисобланадиган фоиз ставкалари ҳам мос равишда ўзгаради.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлар юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 200 бароваридан ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига энг кам иш ҳақининг 1000 бароваридан кўп бўлмаган миқдорда берилади. Деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоатларини қуриш, чорвачилик, паррандачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг учдан бир (1/3)қисми миқдорда белгиланади. Деҳқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга бериладиган микрокредитлар 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом (рўйхат рақами 1567, 2006 йил 2 май)га асосан микрокредитлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 80 бароваригачани ташкил этади. Чорвачиликни ривожлантириш учун кам таъминланган оилаларга микрокредитлар ажратишга маҳалла, қишлоқ, овул

фуқаролар йиғини Кенгашлари тавсиялари асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу кредитлар шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади. Микрокредитлар қарз олувчининг хоҳишига кўра пул ўтказиб бериш йўли билан ёки нақд пул шаклида берилади. Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори банк маржасини қўшиб ҳисоблаганда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг  $\frac{1}{4}$  қисми даражасида белгиланади. Бунда белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизини банк маржаси ташкил этади.

Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом (рўйхат рақами 1568, 2006 йил 2 май)га асосан ҳам микрокредитлар миқдори энг кам иш ҳақининг 80 бароваригачани ташкил этиб, шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади. Бунда микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом (рўйхат рақами 1675, 2007 йил 14 апрель)га асосан кредитлаш давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта етиштирувчи барча қишлоқ хўжалиги корхоналарига татбиқ этилади. Кредитлар давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла қийматининг 60 фоизигача (тайёрлов корхонаси томонидан бўнак тариқасида етказиб берилган уруғлик қийматини инобатга олган ҳолда) миқдорида берилади. Бунда, кредитлар агротехник тадбирлар муддатидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда ажратилади:

- пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар пахта хом ашёси қийматининг 10% гача, 1 апрелига қадар 25%гача, 1 йюлга қадар 50%гача ва 1 сентябрга қадар 60%гача;

- ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун хосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар ғалла қийматининг 35%гача, 1 апрелга қадар 50%гача ва 1июнга қадар 60%гача.

Кредитлар тегишли қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари билан якуний ҳисоб-китоблар якунлангунча, лекин ғалла етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича 12 ойдан ва пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича 18 ойдан кўп бўлмаган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз берилади. Бу кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 3 фоиз миқдорида белгиланиб, унинг 2фоизи банк маржасини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 августдаги 178-сон қарори билан тасдиқланган “Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом”га асосан имтиёзли кредитлар 5 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади, камида 18 ойни ташкил этадиган имтиёзли давр ҳам шу жумлага киради. Лизинг хизматлари кўрсатиш муддати эса 7 йилдан иборат бўлади. Имтиёзли кредитлар бўйича фоиз ставкалари банкнинг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармалари маблағлағлари ҳисобидан бериладиган имтиёзли кредитлар бўйича марказий банкнинг кредит бериш қунидаги қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда, банкнинг бошқа ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлари ҳисобига бериладиган имтиёзли кредитлар бўйича- банк билан фермер хўжалиги ва бошқа кичик тадбиркорлик субъекти ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, бироқ Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади. Лизинг бўйича фоиз ставкаси банк билан фермер хўжалиги ва бошқа кичик тадбиркорлик субъекти ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, бироқ Марказий

банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сон Қарорига асосан тижорат банклариغا Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкаси бўйича белгиланган тартибда фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига- иссиқхоналар барпо қилиш ҳамда томчилатиб суғориш тизимини татбиқ этиш учун кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш учун банк кредит портфелининг камида 20 фоизи миқдорда ( марказлаштирилган ресурслари ва халқаро молия институтларининг жалб этилган маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар ҳажми бундан мустасно) махсус кредит линиялари очиш тавсия қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус Жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан олинмайдиган тижорат банкларининг даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шarti билан юридик шахслар фойдасидан тўланиладиган солиқдан 2011 йил 1 апрелдан бошлаб 2016 йил 1 январигача озод этилган эди. Тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус Жамғармаси маблағлари асосан олис ва етиб бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек, меҳнат ресурслари керагидан ортиқ бўлган туманлар ва шаҳарлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида, ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларида юқори технологик ва инновацион лойиҳаларни молиялаш учун ажратилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятида кредит олишда учрайдиган энг катта қийинчиликлардан бири кредит олиш учун гаров таъминоти етарли эмаслигидир. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида қабул қилинган қарор ва меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳокама этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2000 йил 7 мартда 907-сон билан давлат рўйхатига олинган “Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarини ҳамда кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби”га<sup>1</sup> асосан олинган кредитни қайтармаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка қуйидаги таъминот турларининг бирини тақдим этиши ҳуқуқига эга:

- мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- банк ёки суғурта ташкилоти кафолати;
- учинчи шахснинг кафиллиги;
- суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслик хатарини суғурта қилгани тўғрисидаги суғурта полиси.

Кредитларни қайтарилиш таъминоти шаклларида бири сифатида мол-мулк гарови ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги 1998 йил 1 майдаги 614-1-сон қонунига<sup>2</sup> мувофиқ, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк, шу жумладан буюмлар, заргарлик буюмлари, эркин алмаштириладиган валюта ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин. Кредит ҳисобига сотиб олинган мулк, унинг қиймати бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунда

---

<sup>1</sup>2003йил 31 январдаги 907-1-сон, 2003 йил 20 декабрдаги 907-2-сон, 2004 йил 16 ноябрдаги 907-3-сон ва 2010 йил 6 августдаги 907-4-сон билан давлат рўйхатига олинган ўзгартиришлар билан бирга.

<sup>2</sup>ЎзР “Гаров тўғрисида”ги қонунига Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрдаги 320-11-сон, 2007 йил 5 апрелдаги ЎРҚ-83-сон, 2009 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-223-сон қонунларига мувофиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритилган.



кафолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 299-моддасига мувофиқ кафолат берувчининг ёзма мажбурияти шаклида расмийлаштирилади. Кафиллик ЎЗР Фуқаролик кодексининг 292-моддасига мувофиқ банк-бенефициар фойдасига қарз олувчи ва кафил ўртасида тузиладиган ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади. Кредит пакетини таҳлил қилиш чоғида, банк кредит келишувининг ҳар хил ҳолатларида, қарз олувчининг кредит тарихини, унинг раҳбарининг обрўсини (олдинги иш жойлари, лаёқатлилиги, илгари олинган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилганлиги ва ҳоказо) кўриб чиқилади.

Тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар қайтарилишини таъминлаш сифатида кредит шартномаси бўйича сотиб олинган мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар улар қийматининг 80% миқдоридан гаров учун қабул қилинади. Имтиёзли кредитнинг мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар гарови билан қопланмаган қисми учун қарз олувчи таъминлашнинг қуйидаги турларининг бир ёки бир нечтасини тақдим этади:

бошқа мол-мулкни ва мулкий ҳуқуқларни. Шу жумладан ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш;

банк кафолатномаси;

учинчи шахсларнинг кафиллиги;

тадбиркорлик таваккалчиликларининг суғурта полиси.

Қарз олувчи ўз ҳисобига гаров предметининг йўқолиши ва яроқсизланиши ҳолатлари юзасидан суғурта шартномаси тузади. Суғурта полиси банкка кредит шартномасида белгиланган муддатда тақдим этилади.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида Низом (рўйхат рақами 1337, 2004 йил 16 апрель)га асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олган фермер хўжаликларига ғалла етиштириш учун “Ўздонмаҳсулот” тайёрлов корхоналари билан тузилган контракция

шартномаси суммасининг 30 % гача миқдорида, ушбу кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олмаган фермер хўжаликларига контрактация шартномаси суммасининг 80%гача миқдорида кредит берилиши мумкин. Жамғарма кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олган пахта хом ашёси етиштирадиган фермер хўжаликларига ушбу кредит контрактация шартномаси суммасининг 20%гача миқдорида, ушбу кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олмаган фермер хўжаликларига контрактация шартномаси суммасининг 70%гача миқдорида кредит берилди. Кредитлар мазкур Низомда белгиланган шартлар асосида кредитни қайтаришга қодир бўлган қарз олувчиларга шартнома асосида 1,5 йилгача (18 ой) бўлган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз миқдорнинг асосий талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағи жойлашган манзил бўйича берилди. Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида белгиланади.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом(рўйхат рақами 1345, 2004 йил 30 апрель)га асосан тижорат банклари қарз олувчиларга кредит беришни шартнома асосида, гаровга ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга тақдим этган ҳолда амалга оширади. Бунда ер участкасини ижарага бериш муддати кредит шартномасида белгиланган, таъминланиши учун у гаровга қўйилаётган кредитни қайтариш муддатидан камида беш йилга кўп бўлиши керак. Кредит бериш муддатлари кредитланаётган тадбирнинг қопланиш муддатларига боғлиқ бўлади, хусусан:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга доир айланма маблағларни тўлдиришга кредит одатда 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилди;

- фермер хўжаликларига инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун кредитлар муддатни кечиктириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғланмаган фермер хўжаликларининг айланма маблағларини тўлдиришга доир бошқа кредитлар бўйича, уларнинг кредитлардан фойдаланиши энг кўп муддати, узайтиришни ҳисобга олганда, 12 ойдан ортиқ қилмасдан белгиланади. Инвестиция мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича банклар кредитлашнинг имтиёзли даврини белгилаши мумкин. Кредитдан фойдаланиш учун фоиз ставкасининг миқдори қарз олувчи билан банкнинг ўзаро келишуви бўйича кредит шартномаси асосида белгиланади. Бунда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш кредит қайтарилишининг таъминоти бўлиб ҳисобланади. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг қийматини баҳолаш Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 13 мартдаги 6/17-сон қарори билан тасдиқланган “Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида Низом” га мувофиқ амалга оширилади ҳамда гаров берувчи ва гаров олувчининг келишуви билан расмийлаштирилади. Бериладиган кредитнинг суммаси ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматининг 80 фоизидан ошиши мумкин эмас. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари гаров тариқасида ўзларига қарашли бошқа мол-мулкларини ҳам ўз ихтиёрларига кўра қўйишлари мумкин.

Эндиликда , банк кредитининг моддий таъминоти бўйича банк ва миждозлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги ва “Гаров реестри тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 290-300-моддаларига мувофиқ тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир.

## **2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ**

### **2.1. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишлари**

Ўзбекистонда банкларнинг ҳозирги даврда ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам барқарор ва мустаҳкам мавқега эга бўлиб турмоқдалар. Мамлакатимизда банк тизимидаги ислохотлар натижасида тижорат банкларининг жами капитали 2014 йилда 25 фоизга ошган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 23,3 фоизга кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5 йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 2,4 баробар ўсди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса юқори кўрсаткичлардан 2 марта кўпдир<sup>1</sup>.

2016 йил давомида банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк капиталига жалб қилиш учун қўшимча акцияларни, шунингдек, бошқа қарз қимматли қоғозларини чиқариш ҳамда уларни жойлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2016 йил якунлари бўйича банк тизимининг умумий капитали олдинги йилдагига нисбатан 20,2 фоизга ошиб, қарийб 9,4 трлн. сўмни ва капиталнинг етарлилик даражаси кўрсаткичи умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан деярли 3 баробардан зиёдни ташкил қилди. Банк тизими барқарорлигининг яна бир муҳим кўрсаткичи ҳисобланган ликвидлик даражаси 2016 йил якунлари бўйича 64,4 фоизни

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза.//Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

ташқил этди ва бу талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар ортиқдир (2.1.1-диаграмма).



2.1.1-расм. Тижорат банкларининг жами капитали, млрд.сўм<sup>1</sup>.

Республикаимиз банк тизимида капитал етарлилиги ва ликвидлик даражасининг юқорилиги, активлари сифати ва салоҳиятининг ошиши, ўз навбатида, иқтисодиётда инвестицион фаолликни рағбатлантириш ҳамда чуқур таркибий ўзгартиришлар ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш имкониятларини янада кенгайтиришга мустаҳкам замин бўлмоқда.

Шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматлари сифати ва кўламининг кенгайиши ҳисобига 2016 йилда банк хизматлари ҳажми 1,2 баробарга ошди ва уларнинг жами молиявий хизматлар таркибидаги улуши 88 фоизга етди.

Муҳим кўрсаткичлардан бири банк хизматларининг оммабоплик даражаси – ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 2016 йилда 49,8 тани ташқил этган бўлса, ҳар 1000 та

<sup>1</sup> Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари// Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботи

катта ёшли аҳолига тўғри келадиган банк ҳисобварақлари сони 1 138 бирликни (1000 тадан кўп «юқори» ҳисобланади) ташкил этди<sup>1</sup>.

2016 йил давомида акциядорлик-тижорат банклари томонидан банк устав капиталини ошириш мақсадида 401,4 млрд. сўмлик акциялар инвесторлар ўртасида, шундан, 245,7 млрд. сўмлик акциялар нодавлат сектори ўртасида жойлаштирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2325-сонли Қарори билан 2015-2017 йиллар давомида банк устав капиталини 185,0 млрд. сўмга ошириш орқали 385,0 млрд. сўмга етказиш, шу жумладан, 2016 йилда 54,0 млрд. сўмга оширилиши юзасидан тегишли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 октябрдаги «Банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2420-сонли Қарорига мувофиқ, 2016 йил давомида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг устав капиталига 75,0 млрд. сўм, «Агробанк» АТБ устав капиталига 50,0 млрд. сўм, «Микрокредитбанк» АТБ устав капиталига 25 млрд. сўм ва «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ устав капиталига 25 млрд. сўмлик маблағларнинг жойлаштирилиши таъминланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2454-сонли Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари томонидан банк устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган қисмини хорижий инвесторларга сотиш юзасидан ўтган давр мобайнида зарурий чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, Марказий

---

<sup>1</sup> Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари// Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботи

банкнинг «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги Низомига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Бугунги кунда республикада фаолият юритаётган 12 та тижорат банкларининг («КДБ Банк Ўзбекистон» АЖ, «ЎТ-банк» АЖ, ЧЭКИ «Савдогарбанк АТБ, ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ, «Ипак Йўли банки» АИТБ, «Asia Alliance Bank» АТБ, «Orient Finans» ХАТБ, «Мадад Инвест Банк» ХАТБ, «Ravnaq-bank» ХАТБ, «Капиталбанк» АТБ, «Трастбанк» ХАБ ва «Invest Finance Bank» АТБ) устав капиталига Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Корея тараққиёт банки, Голландия ривожланиш ва тараққиёт ташкилоти каби молиявий ташкилотлар ҳамда бошқа хорижий инвесторларнинг улушлари жалб этилди.

Банкларнинг умумий капитали ва депозит базасининг янада мустаҳкамланиши уларнинг иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни ички манбалар ҳисобига амалга ошириш имкониятларини кенгайтириб, банк тизими активларининг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ошишига хизмат қилмоқда. Хусусан, тижорат банклари активларининг умумий суммаси 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 2015 йилдагига нисбатан 23,3 фоизга ошиб қарийб 80,4 трлн. сўмни ташкил этди (2.1.2-расм).



2.1.2-расм. Ўзбекистон тижорат банкларининг жами активлари қолдиғи, млрд. Сўм<sup>1</sup>.

Хусусан, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 2016 йилда 25,1 фоизга ошиб, 53,4 трлн. сўмга етди. Мазкур кредитларнинг 80 фоизини инвестициявий мақсадларга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ташкил этди (2.1.3-расм).



2.1.3-расм. Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари динамикаси, млрд сўм<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари// Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботи.



Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 86,8 фоизи ички манбалар ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Бу эса тижорат банкларининг ҳамда умуман, мамлакатимиз банк тизимининг етарли даражада шаклланган ресурс базасига эга эканлигидан ва ҳар қандай ташқи омилларнинг салбий таъсирларидан ҳимояланганлигидан далолат беради.

Ўз навбатида, хорижий молия институтларидан жалб қилинаётган маблағлар эса, асосан инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурлари бўйича узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Республикамизда 2014 йилда банklar томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар эса 1,3 мартадан зиёд ошди. Тижорат банклари томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар ҳажми 2016 йилда ҳам барқарор суръатларда ўсиб борди. Улар асосан «2015-2019 йилларда устувор равишда иқтисодиётнинг саноат тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган Давлат дастурлари»га киритилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларига йўналтирилмоқда. Хусусан, 2016 йил давомида корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 12,2 трлн. сўм ёки 2015 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп инвестицион кредитлар ажратилди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги 10 йил мобайнида республика тижорат банклари

---

<sup>1</sup> Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботи.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари; Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.

томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган жами кредитлар ҳажми 20 бароварга, микрокредитлар ҳажми эса 31,7 бароварга ошган. 2014 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп, шу жумладан, 2 триллион сўмга яқин миқдордаги микро кредитлар ажратилди. Бу 2013 йилга нисбатан 39 фоиз кўпдир. Сўнгги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баробар кўпайди.

2015 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар умумий миқдори 12112,6 миллиард сўмни ташкил этди. Бу 2014 йилга нисбатан 32,3% кўпдир. 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2015 йилга нисбатан 1,3 баробардан зиёдга ошиб, қарийб 15,9 трлн. сўмни, шундан микрокредитлар ҳажми 1,3 баробарга ортиб, 3,3 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди (2.1.4-расм).



2.1.4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар, млрд сўм<sup>1</sup>.

Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун 367,2 млрд. сўм, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 1

<sup>1</sup> Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.

647,0 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2 752,6 млрд. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2 993,0 млрд. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 362,1 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Шу билан бирга, «Микрокредитбанк» АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 437,6 млрд. сўм миқдорда ёки 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 баробарга кўп микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, мазкур даврда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида қарийб 2,9 млрд. долларлик экспорт шартномалари имзоланиб, улар доирасида 470 та тадбиркорлик субъекти томонидан 1,4 млрд. долларлик экспорт амалга оширилди. Жамғарма томонидан жами 3 356 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ҳамда ташкилий хизматлар кўрсатилди.

Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан 206,7 млн. АҚШ доллари миқдорда кредитлар ажратилди.

Республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига асосан тижорат банклари томонидан 2,0 трлн. сўм ёки 2015 йилга нисбатан 25 фоизга кўп миқдорда кредитлар ажратилди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган ушбу кредитлар 2016 йилда иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида 200 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этишда муҳим омил бўлди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашининг кучайиб

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари; Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.

боришида микрокредитлаш жарёнларининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада “Микрокредитбанк” ОАТБ муҳим ўрин тутди.

## **2.2. Ўзбекистон банк тизимида “Микрокредитбанк” ОАТБ нинг ўрни ва вазифалари.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3750-сонли Фармонида кўра, собиқ АТБ “Тадбиркорбанк” базасида “Микрокредитбанк” АТБ ташкил этилди<sup>1</sup>. Унинг асосий вазифалари этиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига микрокредитлар бериш, кенг кўламдаги банк ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатиш, айниқса қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тизими орқали молиявий инфратузилмани янада ривожлантириш белгиланди. “Микрокредитбанк” фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қуйидагилар ташкил этади:

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 3750-сонли Фармони.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги «Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 78-сонли қарори.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик

---

<sup>1</sup>Мазкур фармонга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10ноябрдаги ПФ-4051-сон ва 2009 йил 27февралдаги ПФ-4087-сон Фармонларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 4051-сонли Фармони.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 29 мартдаги “Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банкининг капиталлашувини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1945-сонли Қарори.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 октябрдаги “Банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг инвестицион фаолиятини жадаллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2420-сонли Қарори.

Банк ташкил этилган биринчи куниданоқ, кўрсатиладиган микромолиявий хизматларнинг иқтисодий ва ижтимоий йўналишдаги асосий мақсадлари белгилаб олинди. Унинг иқтисодий йўналишда қўйган асосий мақсади:

- микрокорхоналарнинг бошланғич маблағини шакллантириш;
- айланма маблағини тўлдириш;
- кредит тарихини шакллантириш;
- ўзини-ўзи қоплайдиган молиявий ташкилотларни қўллаб-қувватлаш.

Ижтимоий йўналишда қўйган мақсади:

- ишсизликка барҳам бериш;
- аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган кам таъминланган қисмига ёрдам бериш;
- аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллик даражасини оширишдан иборатдир.

Ушбу иқтисодий ва ижтимоий мақсадларга мувофиқ “Микрокредитбанк” АТБнинг вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгиланди:

Биринчидан, мақсадли имтиёзли кредитлар ажратиш орқали янги корхоналар ва иш ўринларини яратиш учун бошланғич капитални

шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка айникса, қишлоқ жойларда кўмаклашиш.

Иккинчидан, тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш, шунинг ҳисобига кўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ўз айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш; имтиёзли кредитлар бериш орқали аёлларга ва ёшларга, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига уларни тадбиркорлик ишларига фаол жалб этиш учун молиявий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

Учинчидан, тадбиркорлик субъектлари томонидан корхоналарни техник ҳамда технологик жихозлаш ва модернизация қилиш учун замонавий ускуналар ва минитехнологиялар хариди учун микролизинг хизматларини кўрсатиш; хом ашё ва материалларни яна ҳам чуқурроқ қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш, шунинг асосида кўшимча иш жойларини ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида хом ашё ва материаллар харид қилиш учун тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағларини тўлдириш ва фаолиятларини кенгайтиришга имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш.

Тўртинчидан, банк мижозларига барча турдаги банк хизматларини кўрсатиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг шаҳар ҳамда қишлоқ жойлардаги банк хизматларидан кенг кўламда фойдаланишларини таъминлайдиган филиал ва минибанклар тармоғини кенгайтириш; чорва, уй паррандаси, уруғлик ва экиладиган материаллар сотиб олиш, суғориш ва тупроқни қайта ишлашнинг замонавий технологияларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологияларни харид қилиш, шунингдек чорвачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш учун фермер ҳамда деҳқон хўжаликларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш.

"Микрокредитбанк" очик акциядорлик-тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги ПФ-3750 сонли Фармони асосида ташкил этилгандан кейинги даврларда унинг фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш борасида катта ишлар амалга оширилганлиги тўғрисида талабаларга маълумотлар бериш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра "Микрокредитбанк"нинг республика бўйича 369та банк инфраструктураси, шу жумладан 14 та вилоят филиаллари, 71 та туман филиаллари, 134 та минибанклар, 59 та махсус кассалар ва 91та пул ўтказмалари шахобчалари фаолият олиб бормоқда<sup>1</sup>.

Мазкур банкнинг капиталлашуви даражасини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишда унинг иштирокини кенгайтириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини фаоллаштириш, шунингдек, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг мини-технологиялар ва замонавий технологик ускуналарни харид қилиш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун имтиёзли кредитлардан кенг кўламда фойдаланишларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора – тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4051-сонли Фармони қабул қилинди<sup>2</sup>. Ушбу фармонга мувофиқ:

-тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставка йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;

---

<sup>1</sup> "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки маълумотлари.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси банк тизими/Ф.М.Муллажоновнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри.-Т.: "Ўзбекистон",2011.-269 -бет.

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитлар бўйича ставка Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига;

- кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставка йиллик 7 фоиздан 5 фоизга туширилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4051-сонли Фармонига мувофиқ банк устав капитали 72 миллиард сўмга кўпайтирилди ва у 150 миллиард сўмга етказилди.

Банк активлари ҳам йилдан йилга ўсиб бормоқда. 2007 йил бошида банк активи миқдори 94,8 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2011 йил бошига келиб, унинг миқдори 419 миллиард сўмга етди. Банк активлари биргина 2010 йил давомида 1,2 баробар кўпайди. Унинг таркибида даромад келтирувчи активлар миқдори йил бошига нисбатан 1,8 баробарга ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 29 мартдаги “Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банкининг капиталлашувини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1945-сонли Қарорининг қабул қилиниши банк устав капиталини 40,0 млрд. сўмга оширган ҳолда унинг умумий миқдорини 200,2 млрд. сўмгача етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 октябрдаги “Банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг инвестицион фаолиятини жадаллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4051-сонли Фармони.



тўғрисида”ги ПҚ-2420-сонли Қарорига асосан 2015-2016 йиллар давомида “Микрокредитбанк” АТБ устав капитали кўшимча равишда 50,0 млрд. сўмга оширилди. Ушбу маблағлар эса, банкнинг тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш, кредит ҳажмини янада ошириш ва кўпроқ янги иш ўринлар яратиш имкониятини беради.

“Микрокредитбанк” ўз фаолиятини 2006 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонунига асосан олиб боради. Мазкур қонун мамлакатимизда микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар учун микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг ягона қоидаларини ва умумий нормаларини белгилаб берди, кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажмининг янада кенгайтишига хизмат қилди.

Қонунда микромолиялаш атамасига таъриф берилди ва микрокредит, микроқарз, микролизинг тушунчаларига изоҳ киритилган. Жумладан, микрокредит энг кам иш ҳақининг минг баробаридан, микроқарз эса энг кам иш ҳақининг юз баробаридан, микролизинг эса энг кам иш ҳақининг икки минг баробаридан ошмайдиган суммада берилиши белгиланган.

### **2.3. “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тенденциялари.**

“Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан кичик корхоналар, микрофирма, деҳқон ва фермер хўжаликларига фойдаланиш йўналишларига кўра бошланғич (старт) сармойани шакллантиришга, бизнесни ривожлантиришга (кенгайтиришга) ва айланма маблағларни тўлдиришга ҳамда микролизинг хизматлари учун микрокредитлар беради. Жумладан, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич (старт) сармойани шакллантириш учун микрокредитлар қуйидаги мақсадларга берилади:

-юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача бўлган миқдорда;

-юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган микрофирмаларига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача бўлган миқдорда;

-фермер хўжаликларига энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача бўлган миқдорда.

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларига микрокредит бошлангич (старт) сармоясини шакллантириш учун улар кредит олиш учун давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 6 ой мобайнида буюртма тақдим этилганда йиллик 3 фоизлик устама бўйича 18 ойгача бўлган муддатга берилади.

Бизнесни ривожлантиришга (кенгайтиришга) ва айланма маблағларни тўлдириш учун микрокредитларни микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари олиши мумкин. Бундай ҳолатда микрокредитлар миқдори -энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда 24 ой муддатгача Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи ставкасида (йиллик 5 фоиз ставкада) берилади<sup>1</sup>.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари микрокредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим бўладилар:

- - Микрокредит олиш учун буюртманома;
- - Бизнес-режа, пул оқимлари прогнозини албатта кўрсатган ҳолда;
- - Таъминот билан боғлиқ ҳужжатлар, шу жумладан бухгалтерия ва молиявий ҳисобот маълумотлари.

Банк фаолияти давомида амалга оширилган ишлар ҳамда банк зиммасига юклатилган вазифаларнинг бевосита тегишли ташкилотлар билан

---


<sup>1</sup>Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2015 йил 1 январидан қайта молиялаш ставкаси 9 фоиз қилиб белгиланди.

хамкорликда ташкил этилмоқда. Ушбу масалани ўрганиш учун талабалар диққатини банк томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш мақсадида амалга ошираётган турли тадбирларга тортиш мақсадга мувофиқдир. Аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида тоғли, чегара худудларда жойлашган фукаралар йиғинлари худудларида истикомат қилувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг микроолиявий хизматлардан фойдаланишни таъминлаш мақсадида Хотин-қизлар қўмитаси билан имзоланган ҳамкорлик шартномасига асосан “Агар аёл тадбиркор бўлса..” лойихаси амалга оширилмоқда. Лойиха бўйича Республикамизнинг чекка худудларининг аҳоли яшаш пунктларида семинарлар ва тарғибот ташвиқот ишлари ўтказилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Микрокредитбанк” ОАТБ ва Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Бу борада яна “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракат Маркази билан ҳамкорликда “Менинг бизнес ғоям” лойихаси ҳамда “Ёш тадбиркор-юртга мададкор” лойихалари амалга оширилмоқда.

“Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан микрофирма, деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилаётган микрокредитлар миқдори йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Масалан, 2010йилда ажратилган микрокредитлар миқдори 121,4 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 362,1 млрд. сўмни ташкил этди, яъни 3 баробардан зиёдга ошди (қаранг: 2.3.1-расм).

## Кўрсатилган микромолиявий хизматлар (млрд. сўм)



2.3.1-расм. ”Микрокредитбанк” томонидан ажратилган микрокредитлар<sup>1</sup>.


Банк томонидан 2013 йил “Обод турмуш йили” да 245,8 млрд. сўм, 2014 йилда “Соғлом бола йили” да 296,8 млрд. сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилди. 2015 йил давомида кичик бизнес субъектларига 362,1 млрд. сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

“Микрокредитбанк” томонидан хотин-қиз тадбиркорларга ҳам катта молиявий ёрдам бермоқда. Банк томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратаётган микрокредитлар миқдори 2010 йилда 26,1 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 90,3 миллиард сўмни ташкил этди, яъни 3,2 баробардан зиёдга ошди (қаранг: 2.3.2-расм).

<sup>1</sup>“Микрокредитбанк” ОАТБ маълумотлари асосида тузилди.

## Аёл тадбиркорларга ажратилган кредитлар


(млрд. сўм)



2.3.2-расм. “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан хотин-қиз тадбиркорлигини ривожлантириш учун ажратилган микрокредитлар<sup>1</sup>.

“Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан касб-ҳунар коллеж битирувчиларига ўз бизнесини, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун микрокредит ажратишни йилдан-йилга ошириб бормоқда. 2011 йилда 1795 нафар коллеж битирувчиларига 5,1 миллиард сўм кредит берилган бўлса, 2015 йилда 5491 нафар коллеж битирувчиларига 45,2 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди (2.3.3-расм).

<sup>1</sup>“Микрокредитбанк” ОАТБ маълумотлари асосида тузилди.



2.3.3-расм. “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан коллеж битирувчиларига ажратилган микрокредитлар<sup>1</sup>.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, таҳлил даврида, яъни 2015йилда 2011 йилга нисбатан микрокредит олган коллеж битирувчилари сони 3 баробардан зиёдга, ажратилган микрокредитлар миқдори эса 8,9 баробарга ошди.

”Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларни, узоқ ва бориш қийин бўлган, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлар ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжалиklarини молиялаштириш ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган таълим муассасалари битирувчиларини иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида танлов ўтказилди. Хулоса қилиб айтганда, “Микрокредитбанк” ОАТБ кичик корхона, микрофирма, деҳқон ва фермер хўжалиklarининг ишончли молиявий ҳамкорга айланди. Аммо банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ажратаётган кредитлар

<sup>1</sup>Микрокредитбанк” ОАТБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ҳажмини янада кўпайтириш учун унинг миқдорлари томонидан олинган кредитларнинг моддий таъминотини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Шунингдек, "Микрокредитбанк" ОАТБ фаолиятини янада такомиллаштириш ва моддий таъминотини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

### **3-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА "МИКРОКРЕДИТБАНК" ОАТБ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.**

#### **3.1.Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш йўллари.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармонида банк тизими зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши, валютани тартибга солишнинг ва валюталар курси сиёсатининг илғор бозор механизмларини жорий этиш ҳамда нақдсиз пул айланмасини кенгайтириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш жараёнларини жадаллаштириш бўйича вазифа ва топшириқларнинг бажарилиб бориши келгусида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлаш асосида юқори ўсиш суръатларини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратади.

Мамлакатимизда 2017 йилда банк тизимида амалга ошириладиган ишлар энг аввало, тизим фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш ва босқичма-босқич ривожлантириб боришга, шунингдек, тижорат банкларининг иқтисодий ўсишни рағбатлантиришдаги иштирокини янада кенгайтиришга қаратилган вазифалардан келиб чиқиб белгиланди. Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарори ва 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги



ПФ-4848-сонли Фармонида банк тизими олдига қўйилган топшириқ ҳамда вазифаларни ўз вақтида сифатли бажаришга қаратилади.

Шунингдек, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида аҳоли билан доимий ва очиқ мулоқотни ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини, унинг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатни фаол молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилади. Юқорида кўрсатилган устувор вазифалар ва мақсадлардан келиб чиқиб, банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда олиб борилади.

1.Тижорат банкларининг ресурс базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. Бунинг учун 2017 йилда тижорат банклари томонидан реал сектор корхоналарининг ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича вазифаларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ресурс базасини шакллантириш ҳамда уни мустаҳкамлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилади. Хусусан, қўшимча акциялар чиқариб жойлаштириш ҳамда соҳага хусусий капитал ва хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб қилишни фаол давом эттириш орқали банк тизими жами капитали камида 20 фоизга ёки 1,9 трлн. сўмга оширилади. Шунингдек, 2017 йилда банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини мижозлар талабларидан келиб чиқиб янада яхшилаш ҳамда омонат ва депозитларнинг янги, жозибадор турларини жорий этиш орқали аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этишни кенгайтириш ҳисобига жами депозитлар миқдорини 25 фоизга ёки 11,1 трлн. сўмга ошириш мўлжалланмоқда<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари// Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш ҳамда жойлаштириш орқали уларнинг ҳажмини камида 20 фоизга ошириш вазифаси белгиланмоқда.

2. Иқтисодиётнинг реал сектори, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш. Бунинг учун 2017 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ажратилган жами кредит қўйилмалари ҳажмининг 2016 йилга нисбатан 25 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Шунингдек, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларидаги дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун қарийб 14,2 трлн. сўмлик инвестицион кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда республика ҳудудларида янги иш ўринларини яратиш мақсадларига 2017 йилда тижорат банклари томонидан жами 18,8 трлн. сўм ёки 2016 йилга нисбатан 25 фоиз кўп миқдорда кредит маблағларининг ажратилиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 455,4 млрд. сўм миқдорида ёки 2016 йилга нисбатан 27 фоизга кўп, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 2 трлн. сўм (25 фоизга кўп), хизмат кўрсатиш ва сервиссоҳасини ривожлантириш учун 3,1 трлн. сўм (28 фоизга кўп) ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун қарийб 401 млрд. сўмлик (19 фоизга кўп) кредит маблағлари ажратилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2016 йилга нисбатан 26 фоиз кўп микрокредитлар ажратилади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари// Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

Истикболда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлар билан таъминлашни янада яхшилаш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидаги долзарб вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларни, авваламбор, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳисобига рақобатбардош ва экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтиришни ҳамда янги иш ўринлари яратишни назарда тутувчи, шунингдек юқори технологик ва инновация лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш. Лойиҳа ташаббускорларига кредитлар ажратиш жараёнида таъминот етишмовчилиги масаласини ҳал этишда маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалий ёрдам кўрсатиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилаётган кредит маблағларининг барча туман ва шаҳарлар бўйича мутаносиблигини таъминлаган ҳолда, бориш қийин ва меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва шаҳарларда ихчам ускуналар ва замонавий мини-технологиялар асосида янги ишлаб чиқаришларни, юқори технологик ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш;

- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, шунингдек иқтисодий ночор, кам қувватли ва фаолият кўрсатмаётган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга оид дастурлар ижросини таъминлашда яқиндан ҳамкорликда иш олиб бориш. Бунда, ишлаб чиқилган тармоқ жадвалларига мувофиқ ер, бино ва иншоотларни ажратиш, лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш, керакли коммуникация тармоқларига уланиш, турли ташкилотлардан тегишли рухсатномаларни олиш ва бошқа масалаларда ташаббускорларга амалий ёрдам кўрсатиш;

- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган банки номаълум бўлган ёки нотўғри кўрсатилган лойиҳаларни молиялаштирувчи банкларни аниқлаштириш. Лойиҳаларнинг амалга

оширилиши тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида Иқтисодиёт вазирлигининг онлайн маълумотлар базасига киритиб бориш ва ушбу маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш;

- дастурларга киритилган айрим лойиҳаларни амалга оширишда қийинчиликлар юзага келган тақдирда, уларни ушбу йўналишдаги инвестиция миқдори ва иш ўрни кам бўлмаган бошқа лойиҳалар билан алмаштириш юзасидан тегишли чораларни кўриш, бунда ушбу янги лойиҳаларнинг тижорат банклари томонидан пухта ўрганиб чиқилишини таъминлаш;

- “2017 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури” ижросига кредитлар ажратиш бўйича вилоятлар ва туман (шаҳар)лар кесимида тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари ва банкларнинг мавжуд ресурс маблағларини инобатга олган ҳолда эътибор қаратиш, зарур ҳолларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан янги иш ўринлари яратиш бўйича умумий параметрлардан чиқиб кетмаган ҳолда, айрим тузатишлар (корректировка) киритиш ва қайта тақсимлаш ишларини мувофиқлаштириб бориш;

- ёшларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва уларни зарур уй-жой билан таъминлаш мақсадида ҳудудларда қурилаётган кўп қаватли “Камолот” уйларининг қурилиш ишларини жадаллаштириш ва уларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш масалаларини қатъий назоратга олиш, юзага келаётган айрим муаммоларни ваколат доирасида тезкор равишда ҳал қилиб бориш. Ушбу уйлардаги квартираларни банкларнинг ипотека кредитлари орқали сотиб оладиган ёш оилаларни топиш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш;

- касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва шу орқали уларнинг бандлигини ошириш. Битирувчи ёшларга кредит олиш жараёнида керакли ҳужжатларни расмийлаштириш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш, гаров таъминотини топиш ва бошқа масалаларда амалий ёрдам кўрсатиш;

- республикада яратилган қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан яратилган шарт-шароитлар, берилган имтиёз ва преференциялар, турли идоралар ва ташкилотлар, шунингдек тижорат банкларининг фаолияти ва улар томонидан кўрсатилаётган хизмат турлари ва шартлари тўғрисида тарғибот ишларини кучайтириш. Тижорат банклари билан маҳаллий ҳокимликлар томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан жойларда амалий учрашув ва семинарлар ташкил этиш графикларини тасдиқлаш, мунтазам равишда ҳар бир ҳудудда тегишли ташкилотлар иштирокида бундай учрашувларни ўтказиш ва тадбиркорлар томонидан кўтарилган масалаларни тезкор равишда жойида ҳал этиб бориш.

Банк тизими фаолияти самарадорлигини тижорат банклари мустақиллигининг янада кенгайтириш ҳисобига ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармонида келгусида банк тизимининг янада ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирларни ишлаб чиққан ҳолда амалга ошириб боради. Жумладан:

– банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, давлат органлари томонидан тижорат банклари фаолиятига, биринчи навбатда, кредит сиёсатида маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик;

– банкнинг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи ғовларни тугатиш, шунингдек, миқозларнинг ўз пул маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш бўйича зурурий чоралар кўрилади.

Мазкур вазифаларнинг ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлашда тегишли ҳукумат қарори лойиҳаси ҳамда ушбу йўналишдаги амалга

оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар комплекс режаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

### **3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармонида белгиланган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда “Микрокредитбанк” ОАТБ нинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолиятини такомиллаштириш борасида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:


- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар миқдори 434,5 млрд. сўмга етказилади. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Прогнознинг 50 фоизи четдан жалб этилган ресурслар ҳисобидан қайта молиялаш ставкасида амалга оширилади. Ушбу фоиз ҳам имтиёзли фоиз ставкаси ҳисобланади;

- банк томонидан кўрсатиладиган имтиёзли микромолиявий хизматлар тўғрисидаги маълумотларни барча ҳудудларда, айниқса чекка ҳудудлар аҳолисига етказиш мақсадида семинарлар ташкил этиш;

- банк кредитлари эвазига янги иш ўринлари ташкил этилади;

- кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш каби мақсадларга йўналтирилди. Шунингдек, имтиёзли ресурслар биринчи навбатда янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

“Микрокредитбанк”ОАТБ томонидан “2017 йилда Ўзбекистон Республикасида иш жойлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш” Дастурини молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар 3.1.1-расмда тасвирланган. Бу йўналишлар янги ташкил этиладиган микрофирма ва кичик корхоналарга бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш; якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш; республика ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурига киритилган субъектлар бизнесини ривожлантириш (кенгайтиришга ва айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар ажратиш); Озиқ-овқат Дастурларидаги интенсив боғ, иссиқхона, музлатгич, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, парранда, чорва, балиқ ва асаларичилик лойиҳаларини молиялаштириш; тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш мақсадида лизингхизматлари кўрсатишдан иборат қилиб белгиланган.



3.1.1-расм. “2017 йилда Ўзбекистон Республикасида иш жойлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш” Дастури йўналишлари<sup>1</sup>.

2017 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик йўналиши параметрларида якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг яратилиши ҳисобига янги иш ўринларининг яратилиши кўрсаткичлари мавжуд. Бошланғич сармоя кредитлари миқдорини 2016 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 1,2 баробарга ошириб, 86,9 млрд. сўмга етказиш режалаштирилмоқда.

<sup>1</sup>“Микрокредитбанк” ОАТБ маълумотлари асосида тузилди.



Демак, кредитлар биринчи навбатда айнан янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига, хусусан, оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилади.

Истиқболда “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа бир қатор вазирлик, идоралар билан ҳамкорлик асосида ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даража ривожланмаган ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегара ҳудудларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилади. Банк томонидан бундан кейинги даврларда ҳам Хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб қувватлаш мақсадида ажратиладиган кредитлар миқдорини янада кўпайтиради. Аёллар тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва уларни молиявий қўллаб қувватлаш мақсадида ажратиладиган кредитлар ҳисобига кўплаб иш ўринлари яратилади. Шунга мувофиқ равишда 2017 йилда аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб қувватлаш мақсадида ажратиладиган кредитлар миқдори 117,0 млрд. сўмга етказиш режалаштирилган.

Меҳнат бозорига янги кириб келаётган ёшлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2017 йилда ажратиладиган кредитлар миқдори **62,5** млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилаётганлиги тўғрисидаги маълумот билан таништириб ўтиш лозимдир. Шунингдек, устувор равишда микрокредитларни 2016-2017 ўқув йили касб хунар коллежи битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2017 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида қуйидаги йўналишларда кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда:

1. Аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 133,8 млрд. сўм кредит ажратилади.

2. Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида 78,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилади.
3. Барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2017 йил давомида 1 119 млрд. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилади ва лизинг хизматлари кўрсатилади.
4. Ўзбекистон Республика Президентининг ПҚ-1047-сонли Қарорига асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 167,8 млрд. сўм, ПҚ-1050-сонли Қарорига асосан ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига 132,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши белгиланган.

”Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида истиқболда, яъни 2017-2021 йилларда қуйидагилар амалга оширилиши режалаштирилмоқда:

1. Республика минтақа ва ҳудудларида ўрта махсус касб-ҳунар коллежи таълим бошқармалари билан ҳамкорликда “Банк ва коллеж ҳамкорлиги” лойихаси амалга оширилади.

2. Меҳнат бозорига янги кириб келаётган ёшлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш янада кучайтирилади.

3. Устувор равишда микрокредитлар бундан буён касб - ҳунар коллежи битирувчиларининг бизнес лойихаларини молиялаштиришга йўналтирилади.

4. Банк томонидан барча касб-ҳунар коллежлари, Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Ёш тадбиркор” консультатив марказларида тижорат банкларида жамланган, амалиётда ўзини оқлаган намунали бизнес-режалар тўпламининг электрон базаси шакллантириш ва намунали бизнес-режалар тўпламининг электрон базаси вилоят коллежлар бошқармаларига ва Камолот Ёш тадбиркор консультатив марказларига етказиб берилади.

5. Аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кредитлар миқдори янада кўпайтирилади.

6. Ёш оилаларни истиқболли лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилади ва янги иш ўринлари ташкил этилади. Бу йўналишда, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракат Маркази билан ҳамкорликда ишлар янада кенгайтирилади. Шунингдек, “Ёш тадбиркор-юртга мададкор” кўрик танлови ва ҳамкорлар томонидан таклиф этиладиган янги танловларда иштирок этилади.

“Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан 2017-2021 йилларда ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий Ривожлантириш, Саноат-салоҳияти ва Озиқ-овқат Дастурларига киритилган манзилли лойиҳаларни молиялаштирилиши юзасидан мониторинг ишлари олиб борилади. Хусусан, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик дастурларига киритилган лойиҳаларни устувор равишда молиялаштиришга асосий эътибор қаратилади.

“Микрокредитбанк” ОАТБ ва унинг минтақавий филиал ва бўлимларининг қишлоқлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш фаолиятини янада яхшилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. “Микрокредитбанк” ОАТБнинг кредит портфели диверсификациясини кенгайтириш ва кредит қўйилмаларидан самарали фойдаланиш, уларнинг универсаллаштириш ва рақобатбардошлигини ошириш. Кредит портфелини шакллантириш жараёни оптимал кредит сиёсатини юритиш нуқтаи назардан диверсификацияланишини кўзда тутати. Кредитларнинг бир неча мижозлар ичида жамланиш даражасини камайтириш, бир-биридан мустақил бўлган кўп сонли мижозларга озроқ ҳажмдаги кредитларни ажратишга ҳаракат қилиб, кредит хатарини (рискини) камайтиришга ҳаракат қилиш лозим бўлади.

2. Кредит сиёсати банк кредит ресурсларининг хатар даражасини, кредитларнинг моддий таъминланганлик даражасини, уларнинг вилоятлар, шаҳар ва қишлоқ туманлари, қишлоқлари ҳамда минтақа иқтисодиёти

тармоқлари бўйича жамланганлигини, кредитлашнинг манбалари ва мулк шакли бўйича тизимли таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқдир.

3. “Микрокредитбанк” ОАТБ ва унинг вилоятлардаги филиалларида, тадбиркорлик субъектларига кредит берилишида иштирок этмаган малакали мутахассислардан ташкил топган кредитлар ҳамда муаммога айланиши мумкин бўлган кредитларни таҳлил ва назорат қилувчи махсус гуруҳ ёки бўлимни ташкил этиш лозим.

4. “Микрокредитбанк” ОАТБ ва унинг минтақавий филиалларида, бўлимларида юқори рискка тортилган пахта ва ғалла етиштириш учун ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг ўз вақтида сўндирилишини таъминлаш учун етиштирилаётган пахта ва ғалланинг мўлжалдаги ҳосилини олишни таъминлаш мақсадида экин ҳолатини мониторинг қилиб бориш керакдир. Бунинг учун Банкнинг минтақавий филиалларида ҳамда унинг барча бўлимларида ҳам кутилган ҳосилни бериш истиқболини мониторинг қилиш бўйича масъул қишлоқ хўжалиги мутахассиси (агроном) штатини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

### **3.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашда моддий таъминотни яхшилаш йўллари.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларини ўрганиш ҳамда муҳокама қилиш жараёнида уларни кредитлашда моддий таъминотни яхшилаш мақсадга мувофиқдир. Бунда банклар томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлашда моддий таъминотни яхшилашда 2013 йил 23 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Гаров реестритўғрисида” ги қонуни муҳим аҳамиятга эга. Ушбу Қонуннинг мақсади гаров реестрини юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Гаров реестри-қарздорларнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида бериб қўйган мол-мулкига нисбатан кредиторларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан

фойдаланишга доир ҳуқуқларига қонунга мувофиқ қўйилган чеклов ҳамда қарздор ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилишини таъминлаши билан боғлиқ бошқа талаблар ҳақидаги ёзувларни ўз ичига олган маълумотларнинг ягона ахборот базаси ҳисобланади. Гаров реестрини юритиш ёзувларни киритиш, ўзгартириш ва чиқариб ташлашни ўз ичига олади. Гаров реестрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузурида ташкил этиладиган гаров реестрини юритувчи ташкилот зиммасига юклатилади. Гаров реестрини юритувчи ташкилот:

-муружаат этган ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс билан тузиладиган шартнома асосида ёзув киритиш учун гаров реестрига кириш, шунингдек ундан реал вақт режимида, шу жумладан Интернет ахборот тармоғи орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди;

- юридик ва жисмоний шахсларга гаров реестридан фойдаланиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатади ва гаров реестрига ёзув киритиш оқибатларини тушунтиради;

- гаров реестридаги ахборотни қарздор — солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки ёзувнинг ягона рўйхатдан ўтказиш рақами бўйича излаш имкониятини таъминлайди, шунингдек, фойдаланувчига киритилган ёзув тўғрисида электрон шаклда, зарур ҳолларда эса қоғозда ахборот тақдим этади.

Гаров реестрига:

мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш (гаров) воситаси сифатида қарздорлар бериб қўйган мол-мулкка нисбатан кредиторларнинг ҳуқуқлари, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа асослардан, шу жумладан ушлаб қолиш, лизинг, товарга бўлган мулк ҳуқуқини товарнинг ҳақи тўлангунга қадар сотувчида (кредиторда) сақлаб қолган ҳолда уни сотиш, келажакда муайян ҳодиса юз берган тақдирда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш, тўловни кечиктирган ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда товарларни олиш-сотишдан юзага келадиган ҳуқуқлар тўғрисидаги;

ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида суднинг қонуний қарорига кирган қарори тўғрисидаги;

қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларини чеклаш (сервитут, мол-мулкни хатлаш, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш) тўғрисидаги;

қарздорнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларини тўлаш тўғрисидаги талаблар тўғрисидаги;

қарздорнинг таъминланган мажбурияти бажарилмаган тақдирда юзага келадиган бошқа талаблар тўғрисидаги ёзув киритилади.

Гаров реестрига ёзув киритиш фойдаланувчи томонидан электрон шаклда амалга оширилади. Гаров реестрига киритилаётган ёзув қўйидагиларни ўз ичига олган бўлиши керак:

қарздор ва кредитор тўғрисидаги ахборот (солиқ тўловчининг идентификация рақами, жисмоний шахслар учун — фамилияси, исми ва отасининг исми ёки юридик шахслар учун — номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли);

қарздорнинг мол-мулки ва кредиторнинг бу мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тавсифи.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ киритилган ёзув уни киритиш вақти ва санаси кўрсатилган ҳамда унга ягона рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда автоматик равишда гаров реестрида қайд этилади. Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, гаров реестрига ёзувни киритиш вақти ва санаси кредиторнинг қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда бошқа кредиторлар ва учинчи шахслардан олдин ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишга, бошқа талабларни қаноатлантиришга бўлган навбатини, имтиёзли ҳуқуқини аниқлаш учун асос бўлади.

Кредитор сифатида қатнашаётган фойдаланувчи томонидан ёзув киритиш қарздорнинг розилиги билан амалга оширилади. Қарздорнинг розилиги қарздорнинг идентификация маълумотлари, шунингдек

кредиторнинг қайси мол-мулкка ҳуқуқи бўлса, ўша мол-мулк кўрсатилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида ёки қоғозда расмийлаштирилади. Қарздорнинг ёзма розилиги гаров реестридан ёзув чиқариб ташлангунга қадар кредиторда сақланиши керак.

Суднинг ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги қонуний қучга кирган қарори тўғрисида ёзув киритиш ёхуд киритилган ёзувдан мол-мулкнинг бир қисмини чиқариб ташлаш ёки ундаги ахборотни ўзгартириш кредитор томонидан қарздорнинг розилигисиз амалга оширилади.

Тергов ва суриштирув органлари қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларини чеклаш (мол-мулкни хатлаш, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш) тўғрисида ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилган тақдирда, қарздорнинг розилигисиз ёзув киритади.

Агар қарздор ёзувни ноҳолис ва ишончсиз деб ҳисобласа ва кредитор уни чиқариб ташлашни ёки ўзгартиришни рад этса, киритилган ёзувга доир эътирозлар қарздор сифатида қатнашаётган фойдаланувчи томонидан гаров реестрига киритилади<sup>1</sup>.

Ушбу қонун барча қарздорлар ва уларнинг банклар томонидан берилган кредитларнинг моддий таъминоти учун қўйилган гаров сифатидаги мол-мулк тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантишга ҳамда қарзини тўламаган ҳолда уни ундиришга хизмат қилади. Банклар миждозларга кредит беришдан олдин уларнинг илгари олган қарзлари учун тўловни амалга оширганлиги ёки оширмаганлиги тўғрисида маълумотларга эга бўладилар. Қарзини тўламасдан юрган субъектларни излаш ҳам осон бўлади. Эндиликда, мазкур қонуннинг 16-модда. Гаров реестри тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги 16-модда ва Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш тўғрисидаги 17-модда мувофиқ тарзда

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги қонуни, 2013 йил 23 октябрь, ЎРҚ–356-сон.

Фукаролик кодексига, “Гаров тўғрисида”ги ва бошқа қонунларга тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритишга бўлади.

“Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликларини кредитлашда берилган кредитлар қайтишини ва моддий таъминотини ишончли тарзда таъминлаш мақсадида амалга ошириш мумкин бўлган чора-тадбирлар тўғрисида талабаларнинг фикр-мулоҳазалари асосида қуйидаги хулосаларни ва амалий таклифларни шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Аввалом бор, ҳукуратимиз томонидан банклар зиммасига юклатилган 2016 йилда мамлакатимизда, шу жумладан қишлоқ жойларда иш ўринлари ташкил этиш ва қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш дастури ижросини барча туманлар кесимида тўлиқ таъминлаш мақсадида:

-Республикамизнинг барча минтақаларидаги тегишли идоралар билан биргаликда ҳар бир корхона ва фермер хўжаликлари, Фермерлар Кенгашининг жойлардаги бўлимлари миқёсида “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан қарздор тадбиркорлик субъектларининг тўлов қобилияти бўйича мониторинг олиб борилиши;

-мунтазам равишда ушбу корхона ва фермер хўжаликлари, Фермерлар Кенгашининг жойлардаги бўлимлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб борилиши;

-тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилиши, бўш турган бинолар инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари ташкил этиш шarti билан кўп тармоқли фермер хўжаликларига берилиши зарур.

2. Республика минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий ночор, кам қувватли ва фаолият кўрсатмаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга оид дастурларга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилишида ташаббускорларга, айниқса кўп тармоқли фермер хўжаликларига яқиндан амалий ёрдам бериш, ўз вақтида уларга ер ва биноларни ажратиш, лойиҳа смета



хужжатларини ишлаб чиқиш, зарур коммуникация тармоқлари (электр энергияси, газ, сув, канализация ва бошқалар)га уланиш, тегишли лицензия ёки рухсатномалар олишга кўмаклашиш зарур. Шу билан бирга, лойиҳаларнинг амалга оширилишида қийинчиликлар юзага келган тақдирда уларни ўрнатилган тартибда инвестиция миқдори ва иш ўрни кам бўлмаган бошқа лойиҳалар билан алмаштириб бориш лозим.

3.Банк томонидан молиялаштирилиши кўзда тутилган ҳар бир лойиҳа ташаббускорнинг гаров таъминоти етарлилиги, дастлабки лойиҳа хужжатларидаги молиявий кўрсаткичларининг талабга жавоб бериши, аввалги кредитлардан қарздорлиги йўқлиги, бино-иншоотлар, ер майдонига эгаллик қилиш ҳуқуқи (махаллий ҳокимиятларнинг қарорлари, зарурий гувоҳномалар)нинг мавжудлиги, молиялаштириш муддати нуқтаи назаридан хизмат кўрсатувчи “Микрокредитбанк” филиали ёки жойлардаги бўлимлари томонидан пухта ўрганиб чиқилганидан сўнг дастурга киритилиши мақсадга мувофиқ.

4.Республикамизнинг узоқ ва бориш қийин бўлган ҳамда меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва қишлоқларида қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликларига банк имтиёзли кредитларини жалб қилган ҳолда замонавий, юқори технологияли ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан кенг миқёсдаги чораларни кўриш, жумладан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида уларга Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридagi фоиз ставкаси билан кредитларни йўналтириш.

5.Муаммоли кредитларнинг салмоғини камайтириш мақсадида қуйидагилар ишларни амалга ошириш лозим:

- фермер хўжаликларининг фаолияти тугатилиши натижасида уларнинг банк олдидаги муаммоли қарзларининг ўсиб боришининг олдини олиш

мақсадида, оптималлаштирилаётган фермер хўжаликлари билан ер ижараси шартномасини бекор қилиш бўйича туман ҳокимликларининг қарорларини қатъий равишда банк олдидаги қарзлар тўлик қайтарилганидан сўнг чиқариш;

- тугатилган фермер хўжалиklarининг банк олдидаги кредит қарздорликларини уларнинг негизида янги ташкил этилган ёки йириклаштирилган фермер хўжалиklarига ўрнатилган тартибда қайта расмийлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;

- йириклаштирилган фермер хўжалиги томонидан ўз зиммасига олинган қарзнинг йиллик фоиз ставкаси ўзгартирилмаслиги ҳамда уни тўлаш муддати томонларнинг келишувига кўра узайтирилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, уларнинг моддий таъминоти Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги ва “Гаров реестри тўғрисида”ги қонунларига мос равишда расмийлаштирилиши лозим бўлади.

## Хулоса

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш жараёнларини янада жадаллаштириш бўйича қуйидаги **хулосалар** қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Банк пул маблағларини йиғувчи, сақлаб берувчи, кредит-ҳисоб ва бошқа хар-хил воситачилик операцияларини бажарувчи муассасадир. Кредит бериш ссуда беришнинг мақсадлилиқ, муддатлилиқ, қайтаришлиқ, кредитнинг моддий таъминланганлиги; - тўловлилиқ тамойилларига асосланади.

2. Тижорат банкларининг кредит портфелини берилган ссудаларнинг таъминланганлик даражасига қараб биринчи даражада таъминланган, яъни тўлиқ таъминланган; бошқа таъминотга эга бўлган; тўлиқ таъминланмаган; таъминланмаган турларга бўлинади. Кредитларнинг моддий таъминланганлиги банк фаолиятининг самарали фаолият кўрсатишига асос яратади.

3. Ўзбекистон тижорат банклари, шу жумладан, “Микрокредитбанк” ОАТБ ва унинг минтақавий филиал ва бўлимлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда уларнинг ишончли ҳамкорига айланганлар. Кредитлаш жараёнлари асосан моддий таъминланган, шу боисдан мазкур банк барқарор рейтингига эгадир.

4. Амалиётда биринчидан, айрим ҳолларда етарлича ёки умуман гаров таъминотига эга бўлмаган лойиҳаларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилиши каби ҳолатлари, иккинчидан, кўп ҳолларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳа ташаббускори тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган ва бирор бир банк филиалида ҳисобрақами очмаган бўлсада, дастурларда лойиҳани амалга ошириши белгилаб қўйилмоқда. Натижада, лойиҳанинг амалга оширилиши масаласи муаммолигича қолмоқда.

Мазкур мавзуни талабаларга ўқитиш ҳамда улар билан муҳокама қилиш жараёнида талабалар томонидан тахминан қуйидаги **таклиф-тавсиялар** ишлаб чиқилишига эришиш мумкин бўлади:

1. Республика минтақа ва ҳудудларидаги тегишли идоралар билан биргаликда ҳар бир корхона ва фермер хўжаликлари, Фермерлар Кенгашининг жойлардаги бўлимлари миқёсида тижорат банклари томонидан қарздор тадбиркорлик субъектларининг тўлов қобилияти бўйича мониторинг олиб борилиши; мунтазам равишда ушбу корхона ва фермер хўжаликлари, Фермерлар Кенгашининг жойлардаги бўлимлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб борилиши лозим.

2. Республика минтақаларини, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий ночор, кам қувватли ва фаолият кўрсатмаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга оид дастурларга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилишида ташаббускорларга, айниқса кўп тармоқли фермер хўжаликларига яқиндан амалий ёрдам бериш, уларнинг моддий таъминоти етарли бўлмаган тақдир келгусидаги ҳосил гарови асосида кредит маблағлари ажратиш ҳамда етиштириладиган ҳосилни ўз вақтида суғурталашга эришиш мақсадга мувофиқдир.

3. Тижорат банклари, шу жумладан, “Микрокредитбанк” ОАТБ ва унинг жойлардаги филиалларида, тадбиркорлик субъектларига кредит берилишида иштирок этмаган малакали мутахассислардан ташкил топган кредитлар ҳамда муаммога айланиши мумкин бўлган кредитларни таҳлил ва назорат қилувчи махсус гуруҳ ёки бўлимни ташкил этиш ҳамда кутилаётган пахта ва ғалла ҳосилини олишни тامينланишини мониторинг қилиб бориш учун қишлоқ хўжалиги мутахассиси (агроном) штатини жорий қилиш лозим.

4. “2017 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури” ижросига кредитлар ажратиш бўйича вилоятлар ва туман (шаҳар)лар кесимида тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари ва банкларнинг мавжуд ресурс маблағларини инобатга олган ҳолда эътибор

қаратиш, зарур ҳолларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан янги иш ўринлари яратиш бўйича умумий параметрлардан чиқиб кетмаган ҳолда, айрим тузатишлар (корректировка) киритиш ва қайта тақсимлаш ишларини мувофиқлаштириб бориш.

5. Ёшларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва уларни зарур уй-жой билан таъминлаш мақсадида ҳудудларда қурилаётган кўп қаватли “Камолот” уйларининг қурилиш ишларини жадаллаштириш ва уларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш масалаларини қатъий назоратга олиш, юзага келаётган айрим муаммоларни ваколат доирасида тезкор равишда ҳал қилиб бориш. Ушбу уйлардаги квартираларни банкларнинг ипотека кредитлари орқали сотиб оладиган ёш оилаларни топиш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш.

6. Тижорат банклари томонидан молиялаштирилиши кўзда тутилган ҳар бир лойиҳа ташаббускорнинг гаров таъминоти етарлилиги, дастлабки лойиҳа ҳужжатларидаги молиявий кўрсаткичларининг талабга жавоб бериши, аввалги кредитлардан қарздорлиги йўқлиги, бино-иншоотлар, ер майдонига эгалик қилиш ҳуқуқи (маҳаллий ҳокимиятларнинг қарорлари, зарурий гувоҳномалар)нинг мавжудлиги, молиялаштириш муддати нуқтаи назаридан хизмат кўрсатувчи “Микрокредитбанк” филиали ёки жойлардаги бўлимлари томонидан пухта ўрганиб чиқилганидан сўнг дастурга киритилиши мақсадга мувофиқ.

7. Муаммоли кредитларнинг салмоғини камайтириш учун фермер хўжаликларининг фаолияти тугатилиши натижасида уларнинг банк олдидаги муаммоли қарзларининг ўсиб боришининг олдини олиш мақсадида, оптималлаштирилаётган фермер хўжаликлари билан ер ижараси шартномасини бекор қилиш бўйича туман ҳокимликларининг қарорларини қатъий равишда банк олдидаги қарзлар тўлиқ қайтарилганидан сўнг чиқариш лозим.

8. Тугатилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, фермер хўжаликларининг банк олдидаги кредит

қарздорликларини уларнинг негизида янги ташкил этилган ёки йириклаштирилган фермер хўжаликларига ўрнатилган тартибда қайта расмийлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бундай ҳолатларда кредитларни қайтариш муддатларини узайтириш, гаровга қўйиладиган мол-мулк, келгусидаги ҳосил миқдорини ва қийматини баҳолаш ва прогноз қилиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

9. Ўзбекистон Республикасида яратилган қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан яратилган шарт-шароитлар, берилган имтиёз ва преференциялар, турли идоралар ва ташкилотлар, шунингдек тижорат банкларининг фаолияти ва улар томонидан кўрсатилаётган хизмат турлари ва шартлари тўғрисида тарғибот ишларини кучайтириш лозим бўлади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### 1. Қонунлар, ҳуқуқий ва сиёсий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Марказий банк тўғрисида», 1996 йил 25 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», 1996 йил 25 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Банкротлик тўғрисида» (янги таҳрири), 2003 йил 24 апрель.
5. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Банк сири тўғрисида», 2003 йил 25 апрель.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги қонунига Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрдаги 320-11-сон, 2007 йил 5 апрелдаги ЎРҚ-83-сон, 2009 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-223-сон қонунларига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги қонуни, 2013 йил 23 октябрь, ЎРҚ-356-сон. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида» 3750-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 78-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 4051-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 29 мартдаги «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банкнинг капиталлашувини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1945-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февральдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

### 2. Китоб ва рисолалар

13. Каримов И.А. Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитасининг 55-ялпи мажлисида сўзлаган нутқ, 1996.
14. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти - тўкин ҳаёт манбаи. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
15. Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
17. Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010.
18. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: Мамлакатимизни 2015йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. –Т.:”Ўзбекистон”, 2016.
19. Мирзиёев Ш.М.Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак: Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. –Т.:”Ўзбекистон”, 2017.
20. Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар.-Т.:Молия,2000,169-бет.
21. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари.-Т.:Akademiya,2012.
22. Abulkasimov N., Xamraev O. Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish.- Т.:“Iqtisod-moliya”,2014.
23. Vaxabov A.V., Toshmatov Sh.A., Xaydarov N.X., Vaxabov A.V. Moliyaviy savodxonlik asoslari -Т.: Baktria press,2013.
24. Иқтисодиёт асослари ва Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ислохотлар./Муаллифлар:Ҳ.П.Абулқосимов( ва бошқалар).-Т.:Akademiya, 2011.
25. С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р. Шмалензи. Экономика, М. 1995 гл. 4,13
26. Шодмонов Ш., Ғафуров У.Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “Молия-иқтисодиёт”,2007.
27. Экономическая теория (политэкономия). Учебник. / Под общ.ред. акад. В. И. Видяпина, акад. Г. П. Журавлевой. 4-е изд. - М.: Инфра-М, 2004.
28. Ўзбекистон Республикаси банк тизими/Ф.М.Муллажоновнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри.-Т.: “Ўзбекистон”,2011.



### **3.Журнал ва илмий тўпламлардаги мақолалар.**

29.Бўронова Л. Ўзбекистонда кичик бизнесни молиявий ресурслар билан таъминлаш масалалари.//Виснес-Эксперт. 1-сон. 2014й.39-40-бет.

30.Джалилов А.А.Кичик бизнесни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий шакллари //Иқтисод ва молия(Экономика и финансы).9-сон., 2016й. 37-42-бет.

31.Додиев Ф.Ў. Тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўллари.// Иқтисод ва молия (Экономика и финансы). 3-сон.2014й. 23-28-бет.

32.Исақов Ж. Тижорат банклари кредитларининг самарадорлигини ошириш омиллари.//Биржа эксперт.№1-2(61-62-сон) 2013й. 16-20-бетлар.

33.Мурадов Ч., Саатова Х.Я., Мурадова Д.Ч. Приоритетные направления формирования эффективной системы государственной поддержки сельского хозяйства.// Иқтисод ва молия (Экономика и финансы). 1-сон.2014й.С.40-45.

34.Норбоев О. Хусусий мулкчиликни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишлари.// Жамият ва бошқарув. 4-сон., 2016й. 122-127-бет.

35. Умаров М.Б. Ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашнинг хориж тажрибаси.// Иқтисод ва молия(Экономика и финансы). 9-сон., 2016й. 59-65-бет.

### **4.Статистик тўплам ва манбалар**

36.Ўзбекистон йиллик статистик тўплам. 2010. – Тошкент, 2011

37.Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йил) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

38.Статистическое обозрение Ўзбекистана за 2012год.-Т,2013г.

39.Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012год.- Т.,ЦЭИ,2013г.

40. Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари //Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

41.Ўзбекистон Республикасини 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида/ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳисоботи.

42.“Микрокредитбанк” ОАТБ йиллик ҳисоботлари маълумотлари.

### **5.Интернет сайтлари**

43.«Ўзбекистон иқтисодиёти» ахборот ва таҳлилий шарҳининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги электрон нусхаси қуйидаги веб-саҳифада берилган:  
[www.cer.uz](http://www.cer.uz).

44.<http://www.uzland.uz>.

45.[www.economyta-culty.uz](http://www.economyta-culty.uz). – Экономика Узбекистана

46.<http://www.imf.org>.

47. <http://www.bank.uz>.